Миллий тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1995 йил, 18 июл

6 - сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада нашриётчилик, маданият ишларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, матбуот ва журналистика соҳасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

ЖЎРАЕВ Зуфаржон Ортиқович — «Ўзбекистон» нашриёти бош муҳаррирининг ўринбосари

МАЖИТХЎЖАЕВА Муҳаббат — «Ўзбекистон» нашриётининг катта мусаҳҳиҳи

ҚУЙИДАГИЛАРГА ФАХРИЙ УНВОНЛАР БЕРИЛСИН: «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ»

АБДУКАРИМОВ Суръат Солиҳович — «Ўзбекистон» нашриёти бош муҳаррирининг ўринбосари

МАНСУРОВ Шомуҳиддин — «Ёзувчи» нашриётининг директори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

АЛИМОВ Абдумалик Мажидович — «Ўзбекистон» нашриёти таъминот, реклама ва китоб тарқатиш бўлимининг 1 тоифали мутахассиси

ДИЁРОВА Валентина Михайловна — «Ўзбекистон» нашриётининг ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари

ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

КОНЕЕВА Роза Зияевна — «Ўзбекистон» нашриётининг бош ҳисобчиси

МАҲМУДОВА Маҳсума Акбаровна — «Ўзбекистон» нашриётининг 1 тоифали матн босувчиси

МЕДВЕДЕВА Валентина Селимовна — «Ўзбекистон» нашриётининг буюртма адабиётлар муҳарририяти катта муҳаррири

СОБИРОВА Сония — «Ўзбекистон» нашриётининг II тоифали техник муҳаррири

ШОҒУЛОМОВ Рустам Шомуродович — Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот қўмитасининг раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 17 июл.

Етти иқлим

САРДОРЛАР СУҲБАТИ

Саратоннинг биринчи ҳафтасида ўзаро ва халқаро муносабатлар ҳам асосан ҳароратли бўлди. Кўпгина оммавий ахборот воситаларида мамлакатлардаги воқеалар, жараёнларга боғлиқ равишда давлатларнинг раҳбарлари фаолиятларига, ҳатто шахсий ҳаётига оид маълумотлар ҳафтаномалар зарварақларига чиқди. Чунончи, улар орасида чет эллик мухбирнинг республикамиз Президенти билан серқирра суҳбати алоҳида кўзга ташланиб турди.

Чиндан ҳам, шахсий ҳаётидаги оддий инсоний бир ҳолат ҳам мамлакат, халқ тақдирига ёки шаънига таъсир этадиган кишиларга осон эмас. Йўқса, қирғиз халқининг жонкуяр раҳбари Аскар Акаев ўз республикасида порахўрлик билан айбланармиди?! Яқинда «Время» телекўрсатувида намойиш этилган лавҳа кўпчиликда нохуш кайфият уйғотди: Эмишки, Қирғизистон Президенти Сулаймон Демирэлдан порага ҳовли-жой олган эмиш. Бу хабар халқ судига фуқаро сифатида мурожаат қилган Аскар Акаев шаънига бўҳтон эканлиги исботланиб, уни ёзган икки журналист бир ярим йиллик муддатга ўз касбидан четлаштирилди.

Россия Президенти Борис Елцин эса юрак хасталиги ҳуружи билан шифохонага тушди-ю, мишмишлар ва сиёсий тахминлар бозори қизиб кетди. Бундан ранжиган Президентнинг рафиқаси телевидение орқали раддия билдиришга мажбур бўлди. «Юраги нозик»лашиб қолган Борис Елцин иккинчи муддатга Президентликка сайланадими-йўқми, буни яқин келажак кўрсатади. Аммо ҳозирча аҳолисининг учдан бир қисми қийин аҳволда кун кечираётган Россия Федерацияси давлати ўз аҳолисидан қарз ботқоғига ботиб бораётгани аниқ: меҳнаткашлар январ ойида 4,2 триллион рубл миқдоридаги маошини ололмаган бўлсалар, майга келиб бу рақам беш ярим триллион, биринчи июлда эса олти ярим триллион рублни ташкил этди. Маош тарқатадиган кассалар орасида март ойидан бери очилмаганлари ҳам борлигини ачиниш билан қайд этади «Труд» газетаси.

Россиялик 12 милён меҳнаткаш пул кутиб кассалар ойналари олдида навбатга тизилишган шу кунларда Франциянинг кўпгина мамлакатлардаги ваколатхоналари ва элчихоналари олди маҳаллий халқ вакиллари билан гавжум бўлди. Республиканинг миллий байрамида сайёрамизнинг турли нуқталаридаги тинчликсевар кучлар Франциянинг янги Президенти Жак Ширак қабул қилган ядро синовлари ҳақидаги қарорга норозиликларини билдирдилар.

Бамаслаҳат иш кўришга интилиш ҳатто бир-бирига ёвсираб турган давлатлар муносабатларида ҳам намоён бўлди. Россиянинг Абхазияга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги қарорига нисбатан Грузия ҳукумати норозилик билдирди. Бу норозиликка Россиянинг Грузия ҳукумати билан бемаслаҳат қарор қилганлиги сабаб бўлди. Дарҳақиқат, инсонпарварлик ёрдамлари ҳамма жойда ҳам ўз эгаларига етиб боролаётгани йўқ. Босниядаги можаролар ҳатто БМТ тинчликсевар кучларининг йўлига ҳам ҳамон тўғаноқ бўлмоқда. Жафокаш Чеченистонда эса уруш айбдорлари устидан Халқаро Трибунал иш бошлаётгани айни муддао бўлди.

Ахборотлар кўп. Уларнинг қай бири юз фоиз холис эканига ҳеч ким кафолат беролмайди. Балки шунинг учун ҳам германиялик мутахассислар муҳим ташаббус билан чиққандир. Улар тайёрлаган «Марказий ва Шарқий Оврўпо ҳамда МДҲ мамлакатларида замонавий ахборот технологиясини қўллаш» халқаро лойиҳасига бошқа давлатлар қатори Ўзбекистон ҳам қўшилди.

Чиндан ҳам жаҳон мамлакатларидан тараладиган хабарлар оқимини жамлаб, уларни таҳлил этувчи, умумлаштирувчи тизимнинг аҳамияти нечоғлик катта. Жумладан, Буғдой бўйича халқаро кенгаш тарқатган маълумотларга қарағанда, дунё бозорида 1994/95 ва 1995/96 йиллар ҳосил мавсумларида ғалла, хусусан буғдой нархи сезиларли даражада қимматлашиш эҳтимоллари бор. Чунки бу йил дунё буғдой хирмони кутилаётганидан беш милён тонна паст тикланиши мўлжалланмоқда. Хайриятки, республикамиз ҳукумати бу танқисликни аввалдан кўра билган экан: бу йил диёримизда ўтган йилдагидан бир ярим баравар кўп майдонга — бир милён икки юз минг гектар суғориладиган ерга ғалла экилганди. Иншоолло, юртимиз нони бутун ва ҳалол бўлгай!

Бултур уч республика Президентларининг учрашувида асос солинган «Марказийосиёбанк» ҳам шакллана бошлади. Бош идораси Алматида жойлашган бу халқаро банкнинг Низом жамғармаси тўққиз милён АҚШ доллари бўлиб, у Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон республикаларининг тенг ҳисса маблағлари асосида шаклланмоқда.

Бирни кўриб фикр қилади одам, бирни кўриб шукур қилади. Чет мамлакатлар раҳбарларининг юргизаётган сиёсатларини имкон қадар таҳлил этганда, беихтиёр республикамиз Президентининг фаолияти қабариб кўзга ташланди: Зеро, бугун Ўзбекистон фуқароларигина эмас, жаҳоннинг кўпгина зукко сиёсатчилари-ю, фаросатли фуқаролари ҳам И. Каримовнинг фазилатлари ва сиёсатини ўрганишга киришганлар. Хусусан, Президент Ислом Каримовнинг янги китоби ўтган ҳафтада дунёдаги кўплаб закийларнинг мутолаа ва мушоҳада манбаи бўлди. Бу китоб хорижий мамлакатларда юртимизга ҳурмат-эътиборни оширди, чет эллик кишиларнинг Ўзбекистонни чуқур тушунишларига катта ҳиссасини қўшмоқда.

МУҚАРРАМА



Ҳамманинг ҳам бобоси бўлсин-да!..

УЛҒАЯЁТГАН КЕЛАЖАК

Миллий боғча баҳона миллий тарбия хусусида ўйлар

ўсмирларимиз шаклланишида ташқи муҳит таъсири қандай кечмоқда? Биз тарбия соҳасида неларга эришдик ва қаерида оқсамоқдамиз? Фарзандлар ёстиғи остидан «спид-инфо»лар эмас, балки миллий дурдоналаримиз жой олмоғи учун яна нелар қилмоғимиз керак? Оила, мактаб, маҳалла тарбияси нима? Тарбиячиларнинг ўзлари тарбиялими?..

Бу каби саволлар алоҳида мавзу.

Ҳозирги мақоламиз эса гўдакларимиз тарбияси ҳамда миллий боғча хусусида.

Давримиз шиддат билан кечмоқда. Айниқса шаҳарларда бу суръат юқори. Рўзғор кам-кўстини тўғрилаш учун икки, баъзан уч жойда ишлайдиган ота-она аксар ҳолда, бола тарбияси билан шуғулланиш учун кунига беш-ўн дақиқа вақтини ажрата оладими-йўқми. Демак, норасида гўдак тарбиянинг асосини боғчадан олади...

Яхши гапнинг қаноти бор, дейишади. Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 567-боғча ҳақида аввал ҳам илиқ гаплар эшитгандик. Боғчанинг ширин-шакар тарбияланувчилари ойнаи жаҳон орқали чиқиш қилганда, уларнинг концерт дастурини мириқиб томоша қилганлар эслашар.

Боғча очилган 1989 йилдан бери мудиралик қилаётган Мастура опа Мирсоатова билан кечган суҳбат мобайнида қўнгилни хира қилган хавотир йитиб, ўрнини болалар келажагига бўлган эзгу ишонч эгаллади. Дарҳақиқат, хусусий ҳодисадан умумий хулоса чиқариш ҳам ноўрин. Миллий боғча фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, фарзандлар тарбияси ишончли қўлларда эканининг гувоҳи бўлдик.

Бундан уч-тўрт йил муқаддам Японияда ҳаттоки спорт залига кираётган ўсмир ҳам давлат байроғига таъзим қилиши ҳақида ўқиб, ҳайратлангандик. Бу нима — миллий хусусиятми? Йўқ, яхши тарбиянинг ҳосиласи, холос.

Шу жиҳатдан олиб қаралганда, боғчадаги 4-5 яшар гўдакларнинг республикамиз байроғи, герби каби уларнинг миллий рамзлари хусусида бийрон тилда сўйлаб беришлари, жумҳурият мадҳиясини кўтаринки руҳда куйлашлари кишини тўлқинлантиради. Гўдакликдан қалбларга ошно бўлаётган эътиқод то абад уларни тарк этмасин! Зеро, Ватанга муҳаббат унинг байроғига, гербига... тупроғига бўлган муҳаббатдан бошланади...

Тўғриси, дастлаб «миллий боғча» деган атама андак эришроқ туюлганди. Баайни, маълум қобиққа ўралиб олғач, фақат бир миллат гўдаклари йиғиб олинган муассасадек. Қувонарли томони шундаки, боғчада ўрис, корейс, қозоқ ва бошқа миллатга мансуб тарбияланувчилар ҳам анчагина экан. Улар ота-оналарининг ўзлари фарзандларининг айнан шу боғчада тарбияланишини исташибди...

Болакай — Шахс, фақат жуссаси кичиккина, холос. Боғчада мўъжаз жуссали шахслар тарбияланаётганига, уларнинг эркинлиги ва мустақиллигига алоҳида эътибор беришади. Ташқаридан қаралганда, арзимасдек туюлган бир ҳолатга эътиборни қаратинг: бу ерда болалар бир-бирларини сизлайдилар, ҳатто тарбиячилар ҳам тарбияланувчиларга «сиз»лаб мурожаат қиладилар.

Боғча — тарбиянинг асоси бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам шу боғчани битириб, шаҳримизнинг 34, 48, 84-мактабларида ўқиётган ўқувчилар тенгдошлари орасида билағонликлари, намунали хулқлари билан ажралиб туришаркан.

Ёдингизда бордир, бир пайтлар ҳатто боғчаларда ҳам Москов, Ленинград тарихи ўқитиларди. Мана энди, истиқлол туфайли қарашларимизга ҳам ислоҳ киритилди. Боғчада «Ўтмишга саёҳат» деб номланган махсус дастур асосида тарбияланувчиларга қўҳна Шош, гўзал Самарқанд, Бухорои шариф кечмишлари ҳақида мароқли суҳбатлар ўтказилиб турилади.

Ўтмиш даври қийинчиликлари кимда учрамайди, дейсиз. Тарбиячилар маоши ҳаминқадар, шунинг учун баъзи бесабрлар ўзларини тижоратга уришди. Боғчада ўз касбининг фидойилари қолди. Озиқ-овқат-ку, ҳар қалай, етарли. Бироқ баъзи машғулотлар учун кийимкечак танқислиги сезилиб қолади. Шундай пайтларда ота-оналар қатори боғчанинг саховатпеша ҳомийлари ҳам ўз ёрдамларини аяшмайди.

Дарвоқе, фидойилик ҳақида. Тарбиячи Нодирахон Зиёева педагогика билим юртини битирган. Иқтидор фақат диплом билан ўлчанмайди. Нодирахон «Тарбиячи-95» жумҳурият танловида фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Иқтидорли болалар гуруҳи ҳам шу тарбиячига ишониб топширилган.

Боғча ўз номи билан «Миллий» бўлгач, тил ўзбекча, лутф ўзбекча, муомила маданияти — ўзбекона. Аммо, эътиборли томони шундаки, тарбияланувчилар олмон ва ўрис тилларини ҳам иштиёқ билан ўрганмоқдалар.

Биз юқорида «Болаларимиз ишончли қўлларда» деган эътирофни таъкидлагандик. Томчида қуёш акс этади. Агар пойтахтимиздаги бир боғчада болалар тарбияси борасида бирмунча ижобий ишлар қилинган экан, бошқа ўнлаб, юзлаб боғчаларда ҳам шундай, балки бундан яхшироқ ишлар амалга оширилмоқда, дейишга асосимиз бор.

Бир инглиз файласуфи айтганидек, «Халқнинг бахт-саодати болаларни тўғри тарбиялашга боғлиқ». Дарҳақиқат, шундай.

Болаларни келажагимиз деймиз. Ўзбекистоннинг келажаги буюк бўлишига ҳам ишонч кўзи билан қарамоқдамиз. Демак, буюк юртнинг фарзандлари ҳам буюк бўлади. Ҳар қандай буюклик замирида эса комил тарбия, машаққатли меҳнат ётади.

Гулчеҳра МУРОДАЛИЕВА

Партия ҳаёти

ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

Жумҳуриятимиз вилоятларида Миллий тикланиш демократик партиясининг таъсис конференциялари ўтказилиши давом этмоқда. Яқинда кўҳна Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятларида шундай йиғинлар бўлиб ўтди. Уларда иштирок этган Миллий тикланиш демократик партияси Марказий Кенгаш ҳайъати раиси, Ўзбекистон ФА академиги Азиз Қаюмов иштирок этди ва партиянинг мақсад-вазифалари хусусида маъруза қилди.

Самарқанд вилоят партия ташкилоти ҳайъатининг раиси этиб Самарқанд Давлат меъморчилик-қурилиш институтининг қурилиш технологияси факултети декани доцент Омон Мелиев, раис ўринбосари этиб эса Шуҳрат Шералиев сайландилар.

Бухоро вилояти партия конференциясида профессор Тожи Қораев раис, вилоят газетаси муҳаррири С. Аҳмедов ўринбосар этиб сайландилар.

Андижон вилоятида ҳам партия конференцияси бўлиб ўтди. Унда таниқли шоир Тўлан Низом вилоят партия ташкилоти ҳайъати раиси, раис ўринбосари этиб эса Насимжон Абдураҳмонов, Тўхтасин Абдумажидов, Зокиржон Машрабовлар сайланишди.

Шунингдек, Навоий вилоятида бўлиб ўтган таъсис конференциясида вилоят партия ташкилоти ҳайъат раиси этиб Навоий Кончилик институти катта ўқитувчиси Турсун Дониёров, раис ўринбосари этиб Навоий шаҳар ҳокимлигининг Давлат тили бўйича бош мутахассиси Ўрол Санақулов сайландилар.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган шаҳар таъсис партия конференциясида Марказий ҳайъат раиси Азиз Қаюмов, унинг ўринбосари Тошпўлат Тошлонов қатнашдилар. Азиз Пўлатович партиянинг таъсис қурултойидан кейинги даврида бўлиб ўтган ишлар ҳақида қисқача маъруза қилди. Шаҳар таъсис партия конференцияси ҳайъат, раёсат аъзоларини, тафтиш комиссиясини сайлади. Шаҳар партия ташкилоти ҳайъат раиси этиб Тошкент Молия институти проректори Маннон Алиев, ўринбосарлари этиб Саидбосит Файзуллаев ва Умида Дўстмуҳаммедовалар сайландилар.

ЭСКИ ЛАППАКЛАР ЭСКИРДИМИ?

Хонадонимиздан чиқаверишда кўча муюлишидаги уй бурчагида бир тўда пластинкалар тахланиб турганини кўриб ҳайрон бўлиб ўтиб кетдим. Кечқурун уйга қайтсам пластинкалар ҳамон ўшандоқ тахланиб турарди. «Нега бундай?» — деб қизиқсиниб бориб қарадим. Вивалди, Бетховен, Гуно, Катта театрнинг скрипкачилари ижросидаги асарлар ва бошқа машҳур куйлар, композиторлар... Кўзларимга ишонмадим. Ким ташлаб кетдийкин бу кўҳна лаппакларни? Наҳотки, эндиги уйга бу эски лаппаклар сиғмай қолган бўлса? Нафосат, гўзаллик, умуман, инсон ҳаётининг турли кўринишларини эҳтирос, катта бадиий куч ва нозик дид билан тасвирлаган асарлардан юз ўгирганлар кимлар экан? Аслида Бетховенни тинглаган шахсда умидсизликдан ном-нишона қолмайди-ку! Гуно эса ишқ ўтини, озодлик нашидасини тенги йўқ куйларда, ашулаларда, рақс учун ёзган мусиқада ифодалаган-ку!.. Вивалди-чи!.. Скрипкачилар ижросидаги «Ҳаёт билан видолашаётган оқ қуш»-чи?!.. Йўқ! Бу ерда бир бошқа англашилмовчилик ўтгандир!

Ниҳоят, сўраб-суриштириб, мени ташвишга солиб қўйган бу муаммонинг тагига етдим. Кимдир уйидан кўчиши арафасида қўни-қўшнига ўзига ортиқча нарсаларини, жумладан, биз учратган пластинкаларини ҳам улашмоқчи бўлибди. Буни қарангки, бирор киши мусиқанинг мумтоз асарлари мухрланган ўша «ликопчалар»га бепул бўлса ҳам харидор чиқмади. Шу-шу янги уйга кўчаётганлар лаппакларни уй чеккасида қолдириб кетишибди.

Бу воқеадан хулосалар, умумлашмалар қилиш ниятимиз йўқ. Санъатнинг қадрига етадиганлар, уни эъзозлайдиганлар сони миллион-миллион элимизда. Каминага адабиёт, кино, телевидение, тасвирий ва мусиқий санъатлари ҳақида саволлар ҳар ерда — метро бекатида, бозорда, хиёбонда, театр ва концерт залларида берилади. Дарҳол заковатли, нозик табиатли санъат мухлисларининг давраси вужудга келади-ю, баҳс ҳам бўлади, завқли дамлар ҳам.

Китоб бозорлари гавжумлигидан ҳам хурсанд бўламиз. Эстрада хонандаларига бўлган қизиқишдан ҳам. Меъморчилик санъатимиз намуналарига ҳайрат билан боқишларини кўриб авлод-аждодларимизнинг диди, гўзалликка бўлган интилишини эслаймиз. Фахрланамиз ҳам. Айниқса, муқаддас «Қуръон»га, ҳадис намуналари, бадиий адабиётга бўлган қизиқиш, достону ғазаллар, роману латифалар, хотиралар, жажжи ҳикоялар ҳар бир ўзбек хонадонида «қават-қават» китоб жавонларида авайлаб сақланишини, севилиб қайта-қайта ўқилишини биламиз. Бу маданийлик, зиёлилик кўрсаткичи бўлиб келган ҳамиша.

Шундай бўлса-да, тилга олинган «мусиқа ликопчалари» воқеасидан кейин ўйланиб қолдим. Чунки шунга ўхшаш воқеалар учраб туради-да. Чунончи, июн ойининг ўзида «Баҳор» концерт залида композитор Мирсодиқ Тожиевнинг янги симфониси ижро этилганида залда озчилик бўлди. Ўша мусиқада эса тинчлик мадҳ этилади. Олижаноб ғоя куйлар ила, уларнинг тўқнашуви, бир бирига қиёс қилиниши билан очиб берилади... Ундан — М. Тожиевнинг яхлит мусиқавий полотносидан — олам-олам маънавий озиқ оламиз, фикр юритиш, ҳаёт-мамот, адабиёт ва дўстлик ҳақида мулоҳаза қилишга эҳтиёж сезамиз... Ҳамза номидаги театр саҳнасида «Севги султони» қўйилган куни эса залда бор-йўғи 30-35 томошабинни кўрдим. Саҳнадаги қаҳрамонларга қараганда залдагилар оз кўринди бизга... Куни кеча эса киночилар уйида «Имом Бухорий» филми кўрсатилди.

Бу асарларнинг барчасини бенуқсон, деб билмаймиз. Бирида тасвирий «тил» камбағал кўринди, иккинчисида турғун ҳолда суратга олинган ва томошабинга тақдим этилган кадрлар мўл бўлса, ижрочилар иштирок этган кадрларга динамика етишмаслиги кўзга ташланди. Лекин бу икки асар ҳам эстетик дидини тарбиялаб борган санъат мухлисига завқ беришига ишонамиз. Бунинг устига улар ҳазрати Алишер Навоий ҳамда Ал-Бухорийнинг муборак номлари билан боғлиқлигини ҳам ёдда сақлайлик...

...Мусиқали «ликопчалар»ни уйга олиб келдим. Хонадонимиз тўридан ўрин олди улар. Эшитишни хоҳласангиз, марҳамат қилинг.

Ҳамидулла АКБАРОВ

Тарбиянинг илк босқичида болалар сиймосида амалдорларни ҳам, шоирни ҳам, ҳунармандни ҳам эмас, Инсонни кўрмоқ зарур.
В. Г. БЕЛИНСКИЙ

Болалар тарбияси — бизнинг ахлоқий-маърифий турмуш тарзимизнинг кўзгуси.

Болалар одоб-ахлоқи ҳақида қайғург арканмиз тарбиянинг асоси бўлмиш **ибрат**ни унутмайлик. Болаларнинг мурғак қалбига ҳеч бир нарса ибратдек кучли таъсир этмайди. Барча ибратлар ичида эса ота-она ибратидан кўра чуқурроқ ва мустаҳкамроқ ўрин оладиган ибрат йўқдир.

Яқинда қўшни жумҳуриятлардан бирида бўлиб қайтган бир танишимиз оғиз тўлдириб мақтай кетди:У ерда ҳамма нарса америкача! Сервиз зўр! Ҳатто меҳмонхонадан қўнғироқ қилиб буюртма берсангиз бас, истаган нарсангизни ва... — шу ерга келганда оғзининг таноби қочди...

Ибрат, деймиз. Хўш, биз — катталар, фарзандларимизга ибрат бўла олаяпмизми? Бўлганда, — қандай?

Албатта, шахс ҳуқуқи — дахлсиз. Айтайлик, республикамиздан кимлардир «Спид-инфо» газетасини ўқимоқчи экан, — марҳамат. Зеро, баъзи бир ахлоқ ҳимоячилари таклиф этаётганидек, газетани бутунлай қатағон қилиш чораси фақат акс натижага олиб келмаса, деб қўрқаман. Яъни, нашр яширин йўллар билан, хуфиёна тарзда тарқатила бошланиши мумкин-ку. Ўша мақталган Ғарбда ҳам «секс-шоп»ларга болаларнинг қадами етмас экан. У ёқда, бизнинг кинотеатрларимиздаги «Ўн олти ёшга тўлмаганлар кириши мумкин эмас!» деб махсус огоҳлантириш битиб қўйилган филмларга гурас-гурас оқиб келаётган болаларнинг ёшини эмас, чиптасини текшириш билан кифояланадиган эшикбонлардан фарқли равишда, дўконига ёш болани киргизган сотувчи катта миқдорда жарима тўларкан.

Хўш, болаларимиз, айниқса ликамиз байроғи, герби каби уларнинг миллий рамзлари хусусида бийрон тилда сўйлаб беришлари, жумҳурият мадҳиясини кўтаринки руҳда куйлашлари кишини тўлқинлантиради. Гўдакликдан қалбларга ошно бўлаётган эътиқод то абад уларни тарк этмасин! Зеро, Ватанга муҳаббат унинг байроғига, гербига... тупроғига бўлган муҳаббатдан бошланади...

Тўғриси, дастлаб «миллий боғча» деган атама андак эришроқ туюлганди. Баайни, маълум қобиққа ўралиб олғач, фақат бир миллат гўдаклари йиғиб олинган муассасадек. Қувонарли томони шундаки, боғчада ўрис, корейс, қозоқ ва бошқа миллатга мансуб тарбияланувчилар ҳам анчагина экан. Улар ота-оналарининг ўзлари фарзандларининг айнан шу боғчада тарбияланишини исташибди...

Болакай — Шахс, фақат жуссаси кичиккина, холос. Боғчада мўъжаз жуссали шахслар тарбияланаётганига, уларнинг эркинлиги ва мустақиллигига алоҳида эътибор беришади. Ташқаридан қаралганда, арзимасдек туюлган бир ҳолатга эътиборни қаратинг: бу ерда болалар бир-бирларини сизлайдилар, ҳатто тарбиячилар ҳам тарбияланувчиларга «сиз»лаб мурожаат қиладилар.

Боғча — тарбиянинг асоси бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам шу боғчани битириб, шаҳримизнинг 34, 48, 84-мактабларида ўқиётган ўқувчилар тенгдошлари орасида билағонликлари, намунали хулқлари билан ажралиб туришаркан.

Ёдингизда бордир, бир пайтлар ҳатто боғчаларда ҳам Москов, Ленинград тарихи ўқитиларди. Мана энди, истиқлол туфайли қарашларимизга ҳам ислоҳ киритилди. Боғчада «Ўтмишга саёҳат» деб номланган махсус дастур асосида тарбияланувчиларга қўҳна Шош, гўзал Самарқанд, Бухорои шариф кечмишлари ҳақида мароқли суҳбатлар ўтказилиб турилади.

Ўтмиш даври қийинчиликлари кимда учрамайди, дейсиз. Тарбиячилар маоши ҳаминқадар, шунинг учун баъзи бесабрлар ўзларини тижоратга уришди. Боғчада ўз касбининг фидойилари қолди. Озиқ-овқат-ку, ҳар қалай, етарли. Бироқ баъзи машғулотлар учун кийимкечак танқислиги сезилиб қолади. Шундай пайтларда ота-оналар қатори боғчанинг саховатпеша ҳомийлари ҳам ўз ёрдамларини аяшмайди.

Дарвоқе, фидойилик ҳақида. Тарбиячи Нодирахон Зиёева педагогика билим юртини битирган. Иқтидор фақат диплом билан ўлчанмайди. Нодирахон «Тарбиячи-95» жумҳурият танловида фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Иқтидорли болалар гуруҳи ҳам шу тарбиячига ишониб топширилган.

Боғча ўз номи билан «Миллий» бўлгач, тил ўзбекча, лутф ўзбекча, муомила маданияти — ўзбекона. Аммо, эътиборли томони шундаки, тарбияланувчилар олмон ва ўрис тилларини ҳам иштиёқ билан ўрганмоқдалар.

Биз юқорида «Болаларимиз ишончли қўлларда» деган эътирофни таъкидлагандик. Томчида қуёш акс этади. Агар пойтахтимиздаги бир боғчада болалар тарбияси борасида бирмунча ижобий ишлар қилинган экан, бошқа ўнлаб, юзлаб боғчаларда ҳам шундай, балки бундан яхшироқ ишлар амалга оширилмоқда, дейишга асосимиз бор.

Бир инглиз файласуфи айтганидек, «Халқнинг бахт-саодати болаларни тўғри тарбиялашга боғлиқ». Дарҳақиқат, шундай.

Болаларни келажагимиз деймиз. Ўзбекистоннинг келажаги буюк бўлишига ҳам ишонч кўзи билан қарамоқдамиз. Демак, буюк юртнинг фарзандлари ҳам буюк бўлади. Ҳар қандай буюклик замирида эса комил тарбия, машаққатли меҳнат ётади.

Гулчеҳра МУРОДАЛИЕВА

«Ўзбекистон» босиб ўтган манзиллар

МАСЛАҲАТГЎЙ

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви «Ўзбекистон» нашриёти ижодий жамоаси учун ҳам катта имкониятларни яратди. Бу ерда мингга яқин номда, ўндан ортиқ тилда, ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп, тарихий асарлар ва олий ўқув юртлари учун дарслик ҳамда қўлланмалар нашр қилинмоқда. Муҳим ҳужжатлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Президентимизнинг сиёсий аҳамиятга молик рисолалари моҳирлик ва тезкорлик билан чоп этилмоқда.

«Ўзбекистон» нашриёти Ўздавматбуотқўм тизимидаги нашриётларга замонавий иш услубини қўллаш, техникани тадбиқ этиш, янги иш жойларини очиш ва ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш борасида ибрат бўлмоқда. У МДҲ давлатлари, АҚШ, Франция, ГФР, Финландия, Туркия ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликни ҳам яхши йўлга қўймоқда.

Нашриётнинг нишонланаётган етмиш йиллик тўйига у босиб ўтган йўл ҳақидаги «Нурли манзил», «Ўзбекистон» нашриёти мозийда ва бугун» китоблари, «Ўзбекистон» нашриёти етмиш ёшда» буклети, плакати ва тақлифномалар босмадан чиқарилди. Тошкентдаги Туркистон саройида эса бугун тантанали кеча ўтказилади. Бу «Ўзбекистон» нашриётининггина эмас, республикамиздаги барча ноширлар ва матбаачиларнинг ҳам қутлуғ байрамидир.

Ҳа, халқимизнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётган бугунги кунда китоб ҳаммамизнинг буюк мақсад йўлида маънавий яқинлашувимизга кўмакдош, маслаҳатгўй, ишончли дўстдир. Қолаверса, «Ўзбекистон»лик ноширлар ҳам ана шундай машаққатли, буюк вазифани ҳалол адо этаётган заҳматкаш кишилардир. Республикада нашриётлар тизимининг асосчиси ва карвонбошиси бўлиб келаётган «Ўзбекистон» жамоасига улкан муваффақиятлар ёр бўлсин.

Бахтиёр ОМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитаси нашриётлар ва оммавийахборот воситалари бошқармаси бошлиғи

ЕТАКЧИ НАШРИЁТ

Суҳбатдошимиз — Р. С. САФОЕВ «Ўзбекистон» нашриётининг директори. Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика факултетида сиртдан таҳсил кўрган. Айни вақтда «Ўзбекистон» нашриётида дастёрлик билан меҳнат фаолиятини бошлаган. Сўнг «Меҳнат» нашриётида ишлаб чиқариш бўлимининг мудири, кейин «Ўзбекистон» нашриёти директори ўринбосари вазифаларида ишлаган. Ноширлик йилларида Лвов шаҳридаги Матбаа институтининг сиртқи бўлимида ўқиб иқтисодчи-матбаачи мутахассислигини эгаллаган.

— Рўзимат Сафоевич, аввало сиз етакчилик қилаётган нашриётнинг муборак 70 йиллик тўйи билан барча «Ўзбекистон» ликларни янги нашр — «Миллий тикланиш» дўстлари номидан табриклашга изожат бергайсиз.

Назаримда, нашриёт «Ўзбекистон» деб номланишининг ўзидаёқ унинг миллатимизга, Ўзбекистон республикасига ўзига хос бир садоқат билан хизмат қилишига ишора бордек...

— Шундай. Маълумингизки, нашриётимиз халқимиз собиқ шўролар давлати томонидан миллат сифатида тан олиниб, у яшайдиган ҳудуд Ўзбекистон деб белгиланганидан бир ой кейинроқ ташкил топган миллий маданият ўчоқларидан бири. Унинг фаолияти йўналиши ўша давр талабидан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий, оммавий-сиёсий, партиявий адабиётларни чоп этишдан иборат бўлган. Диёримиздаги сиёсий-маърифий ва бадиий адабиётларга бўлган эҳтиёж кўламига мувофиқ равишда «Ўзбекистон» (собиқ Ўздавнашр)нинг мавзу доирасида салмоқ ва сифат ўзгаришлари бўлиб турган. Нашриётимизда чоп этилган биринчи асар «Коммунистлар баённомаси» бўлса, илк роман «Ўтган кунлар» эканлиги ҳам нашриётимизнинг сиёсат билан баробар имкон даражасида миллат маданиятини юксалтириш йўлида хизмат қилганлигидан далолат беради.

— Муҳтарам Рўзимат Сафоевич, «Ўзбекистон» солномасида республикамизнинг миллий мустақилликка эришувига замин бўлган омиллардан мисоллар айтиб ўтсангиз.

— Нашриётимизда чоп этилган маълумотномалар, иқтисодий адабиётлар, маданий меросимизнинг бебаҳо жавоҳирлари мустақилликка билвосита ундаган, халқимиз салоҳияти, республикамиз қудратига шаҳодат бўлса, «Шарқ мутафаккирлари» руknидаги изчил адабиётлар, Беҳбудий, Мунавваркори, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий сингари маърифатпарварларимизнинг ҳаётлари ва ижодларига оид асарлар халқимиз ўзлигини англашида ўзига хос сабоқ бўлди, деб ўйлайман.

— Сиёсатчилар саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмини мамлакатимизда уйғониш йиллари деб баҳолашди. Ана шу қутлуғ арафада «Ўзбекистон» нашриёти нималар «деган»?

— Табиийки, бошқа собиқ иттифоқчи республикалардаги давлат нашриётлари қатори «Ўзбекистон» ҳам бу даврда ошкоралик ва жамиятда демократиялаштиришни қарор топтириш йўналишидаги адабиётларни чоп этди. Нашриёт овозидан «Қайта қуриш» шиори остида мавжуд ижтимоий-сиёсий тизимларга танқид, чириган услублардан бошқарувни тозалаш, ҳуқуқий давлат барпо этишга интилиш оҳанглари сезилиб турди. Бироқ, олдига қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, бу даврда ҳам нашриёт фаолиятининг асоси собиқ КПССнинг ички ва ташқи, ижтимоий ва иқтисодий сиёсатини ёритишга қаратилган эди. Шундай бўлсада, бу давр адабиётларимизда миллий ўзликни англашга, сиёсий маданиятни оширишга, экологик мусаффолик учун курашга, адолатни ҳимоя этишга қаратилган асарларга ҳам ўрин берилди. Бу каби масалалар муаллифларнинг қалами кучига боғлиқ равишда монографик тарзда бўлмай, масаланинг қирраларини кўрсатувчи мақолалар тўпламлари шаклида яратилган эди.

— Миллий мустақиллигимиз шарофати билан «Ўзбекистон» нашриёти фаолиятида юз берган туб бурилишлар нималардан иборат бўлди?

— Биз анъанага айланиб қолган — нашр этиладиган адабиётлар режасини уч-тўрт йил олдин Москва тасдиғидан ўтказиш ва унга қатъий амал қилиш босимидан қутулдик. Бу нашрларни омма ва давр талабига қараб ҳозиржавоблик билан чоп этиш имконияти яралди. Йиллик маҳсулотларимизнинг катта қисмини марксизм-ленинизм асарлари ва бошқа шу кабилар ташкил этарди. Энди улар ўрнига ўзимизнинг маданий меросимизни, миллий мустақиллигимиз солномасини яратяпмиз. МДҲ давлатлари орасида матбаачилардан биринчи бўлиб «Ўзбекистон» Дюселдорф шаҳрида Стокголмда бўлиб ўтган халқаро кўргазмада энг янги матбаа технологиясига харидор сифатида қатнашди.

— Табриклаймиз. Бирон янги технология маъқул бўлдими? Уни нашриётда мавжуд шароитда ишлатиш имкони борми?

— Раҳмат. Кўргазмага нашриётдан ўн уч киши вакил бўлиб боргандик. Германияда яратилган энг замонавий технологияни танладик. Уни ўзлаштириш учун бир неча ходимларимиз Оврупо босмахоналарида тажриба ўрганишга отланмоқдалар. Обиджон Саидназаров эса Туркияда ташқи безакларни компютерда безаш бўйича ўқиб, ўрганиб келди. Янги технологияга мос босмахона қуряпмиз. Бундан беш йил муқаддам нашриётимизда моддий ҳаражатларни камайтириш, илғор технологияларни жорий этиш мақсадида хўжалик ҳисобидаги давлат корхонаси — «Ўзбекинтерфин» очилган эди. Бу корхона воситасида чет элдан компютер техникаси сотиб олган эдик. Бу компютерлар ёрдамида китоб қўлёзмаси нашриётда саҳифаланиб, босмахонага оригинал-макет (нусха кўчириш учун босмахонага бериладиган ярим тайёр маҳсулот) топшириш йўлга қўйилди. Натижада ишлаб чиқариш жараёнлари анча қисқарди, шунга мос равишда китоб чиқаришга кетадиган сарф-ҳаражат ҳам кескин камайди.

— Кечирасиз, Рўзимат Сафоевич, биз эшитиб ўрганиб кетганимиздек, замонавий технология фақат сарф-ҳаражатнигина эмас, меҳнат жамоасини ҳам ихчамлаштириб қўйган бўлса керак?

— Электрон машиналар кўплаб «ортиқча ишчилар»ни вужудга келтириши табиий. Лекин бизда тайёрлаётган маҳсулотимизга харидорнинг кўпайиши ишчи-ходимларимизни ишдан бўшатиб қўймади. Аксинча, аввалларидан нашриётимизда 87 киши меҳнат қилган бўлса, бугун жамоамизда 128 дан зиёд ходим фаолият кўрсатяпти. Уларнинг ўртача маоши — 1500 сўмни ташкил қиляпти.

— Бу кўрсаткич меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилишга сарфланаётган маблағни ҳам кўшганда шунчами ёки...

— Бу — соф даромад. Ходимларимизни ўз ошхонамизда бепул тушлик овқат билан, шаҳар транспортида юриш учун ойлик йўл карточкалари билан таъминлаяпмиз. Меҳнат таътили олдидан дам олиш уйлари ва санаторияларга текин йўлланмалар ёки бир ойлик маоши миқдорида пул ажратилади. Қисқаси, «Ўзбекистон» нашриёти яқин келажакда комбинатга айланади. Жамоанинг яшаш шароити яхшиланган сайин унинг иш унумдорлиги ҳам ортяпти. Ўз навбатида, чиқарган маҳсулотимизнинг сифати ортгани сайин ҳазинамиз тўлиб бораяпти.

— Нашриёт бозор иқтисодиёти шароитида қанчадан маҳсулот тайёрлаяпти-ю ундан қанча даромад олмоқда?

— Кейинги уч йилдан зиёдроқ вақт мобайнида нашриётимиз мингга яқин номдаги 15 милён нусха ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп, тарихий асарлар ва олий ўқув юртлари учун дарсликлар чоп этди. Буни у келтирадиган дараида салмоғи билан ифодаласак, бир кварталда 8 милён сўмлик китобларимиз сотилиши керак. Ўтган йил чорагида ноширларимизнинг 12 милён сўмлик маҳсулоти ўз харидорларини топди.

— Юқорида дарсликлар тўғрисида гап кетди. Кўпчилик дарсликларни «Ўқитувчи» нашриёти чоп этади, деб ўйлайди...

— Мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари учун дарслик ва қўлланмалар «Ўқитувчи» нашриётидан чиқади. Олий таълимга оид дарслик ва қўлланмалар «Ўзбекистон» нашриётидан чоп этилмоқда. Биз республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан шартномалар асосида ҳам адабиётлар нашр этамиз. Бундан ташқари, республикамиздаги қозоқ, қирғиз, тожик тилларида дарс ўтиладиган миллий мактаблар учун дарсликлар ҳам мазкур тилларда бизнинг нашриётимизда чоп этилади.

— Кейинги вақтларда нашриёт чиқараётган маълумотномалар, катта сиёсатга мансуб асарлар ҳорижий тилларда ҳам тайёрланаётгани кўзга ташланди...

— Нашриётимиз чиқараётган китобларнинг 70 фоизи давлат тилида бўлса, 30 фоизи чет тилларда тайёрланмоқда. Инглиз, рус, фаранг, олмон ва испан тилларидаги китоблар жаҳоннинг турли ҳудудларидан ўз ўқувчиларини топмоқда. Республикамизда яшаб, ўқийдиган бошқа миллат болалари учун китобларни ташқари, қўшни жумҳуриятларда яшаётган ўзбек болалари учун ҳам дарсликлар ва ўқув қўлланмалари чоп этишни биз ўз зиммамизга олганмиз. Ўзбекистон Республикасидан бошқа ҳеч бир давлат ўзининг четдаги миллатдошлари учун ўз тилларида дарслик ва ўқув қўлланмалари жўнатмайди.

— Бу китобларга кетган маблағ қандай қопланади?

— Биласиз, Президентимизнинг кўрсатмасига биноан республикамиздаги барча бошланғич таълим мактабларининг ўқувчилари (шу жумладан рус, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ, тожик тилларида ўқийдиган болалар ҳам!) ўқув қуроллари билан бепул таъминланадилар. Бу мақсадда сарфланган харажатни давлат хазинасидан қопланади. Қўшни мамлакатларда истиқомат қиладиган миллатдошларимизнинг болаларига етказиб берилаётган китоблар ўша ерлик миллат болалари ўқийдиган китоблардан анча арзон туради. Чунки Ўзбекистонда ҳозир китоб бошқа мамлакатлардагидан ўта арзон. Унинг устига, аҳолининг маданий-маърифий адабиётлардан кўпроқ баҳраманд бўлишини таъминлаш мақсадида республикамиз ҳукумати китоб савдосига қўйилиши керак бўлган 18 фоиз миқдоридаги солиқдан воз кечган. Бу ўн саккиз фоиз маблағ биргина бизнинг нашриётимиз чиқарган маҳсулотлар савдосидан давлат ҳазинасига тушиши керак бўлган 80 милён сўмни ўқувчилар — халқ чўнтагида қолдиради деган гап! Ҳеч қайси давлат халқининг маърифатга ташналигини қондириши йўлида Ўзбекистончалик имтиёзлар бермаган!

— Рўзимат Сафоевич, шу кунларда «Ўзбекистон» нашриёти ходимлари ўзлари тайёрлаган қайси китоблари билан фахрланишмоқда?

— Мустақил республикамизнинг илк одимлари акс этган қатор иқтисодий-сиёсий китоблар билан, ўзимизда тайёрланиб Туркияда босилган «Қашқадарё», «Хива» альбомлари билан мақтансак арзийди. Аммо яхшиларнинг ҳам яхшиси, бу — Президентимиз Ислом Каримовнинг нашриётимизда чоп этилган 20 номдаги китоблари. Улар юксак даражадаги босма сифати билан ҳам, тез тарқалиб харидорларнинг китоб жавонидан ўрин олганлиги билан ҳам ғурурланамиз. Давлат раҳбаримизнинг айниқса, «Биздан озод ва обод ватан қолсин» ҳамда «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» тўпламлари ўзининг салмоғи билан бугуннинг қомуси, эртамизнинг компаси аҳамиятига молик дир.

— Нашриётнинг чет мамлакатлардаги турдош корхоналар билан, ўқувчилар билан алоқаси тўғрисида ҳам озроқ маълумот бер сангиз...

— Нашриёт ҳузурида масъулияти чекланган «Ношир» жамияти бор. Уч йил аввал туркиялик ҳамкасблар билан ҳамкорликда қўшма корхона очилган. Шунингдек, Германиядаги Ахен университети мутахассислари янги босмахонамиз қурилиши ишларини назорат қилиб, кузатиб туришибди. «Ўзбекистон»га Туркиядан матбаа бўёқлари, Финландиядан аъло сифатли қоғозлар келтирилмоқда.

Хориждаги ўқувчиларимиз билан муносабатларимиз эса серқирра. Мен бу ўринда у ёқлардаги рус, инглиз, турк, фаранг, олмон, испан тилларида чиққан китобларимизнинг доимий харидорлари ҳақида гапирмай қўя қолай. Оврупо ва Америка мамлакатларининг йирик олийгоҳларида туркий тиллар филологияси факультетларининг талабаларига ҳар йили ўзбек тилидаги янги ўқув қўлланмалари мажмуини совға қилаяпмиз. Жаҳоннинг қатор тараққий этган мамлакатларидаги улкан кутубхоналарда ҳам «Ўзбекистон»нинг ўз китоб жавони бор. Хуллас, республикамиздан четдаги барча дўстларимизга мамлакатимиз ҳақидаги мукаммал маълумотномаларни биз етказиб беряпмиз. Айни вақтда, мамлакатимиздан ташқарида ҳам ўзбек тилининг ривожланиши, ўзбек миллатига мансуб аҳолининг Ўзбекистонга туташ миллий томирларига қон бериб турибмиз.

Зеро, «Ўзбекистон» нашриёти мустақил Ўзбекистон Республикасининг ойнасидир. Унда ватанимиз ва миллатимизнинг бор бўйи тўла акс этмоғи керак.

Мукаррама МУРОД қизи суҳбатлашди

САНАЛАР, САҲИФАЛАР

● «Ўзбекистон» нашриёти 1925 йилнинг 3 февралида Ўздавнашр номи билан ташкил этилган. У 1964 йилдан «Ўзбекистон» деб қайта номланди.

● «Ўздавнашр» 1925 йилнинг ўзида 874 босма табоқ ҳажмда маҳсулот чоп этган. Ишлаб чиқариш ҳажми 1935 йилда 4950 босма табоқни ташкил этган бўлса, сўнгги пайтларда нашриёт йилига икки минг босма табоқ ҳажмда турли маҳсулотларни нашр этмоқда. Улар орасида 3,7 милён нусхадан иборат 200 номдаги китоблар, рисолалар, плакатлар ҳамда турли йўналишдаги тасвирий асарлар бор.

● Нашриёт ўз тараққиётининг биринчи ўн йиллигида ўзбек тилида ўқув адабиётлари, ижтимоий-иқтисодий, бадиий, қишлоқ хўжалиги, болалар ва ўсмирлар адабиётлари ҳамда тасвирий босма маҳсулотлар чоп этган бўлса, ўттизинчи йилларнинг ўрталаридан бошлаб унинг мавзу доираси ижтимоий тараққиёт назариясига бағишланган, оммавий-сиёсий, илмий-оммабоп адабиётлар билан бойиди. Шунингдек, нашриёт ўзбек тилидаги асарлар билан бирга рус, қирғиз, қорақалпоқ, қозоқ, тожик, уйғур тилларида ҳам китоблар нашр этишга киришди.

● Ўттизинчи йилларнинг охирларида Ўздавнашр бўлимлари асосида бир қанча соҳа нашриётлари ташкил этилди, бироқ уруш йилларида Ўқувпеднашр, Қишлоқ хўжалик адабиётлари нашриёти, Технашр, Ўздабийнашр каби нашриётлар яна Ўздавнашр бағрига қайтдилар.

● Тинч қурилишлар даврида халқ оммасининг илм-маърифатга, адабиёт ва санъатга бўлган катта эҳтиёжини ҳисобга олиб, яна Ўздавнашр негизида Ўқувпеддавнашр /ҳозирги «Ўқитувчи» нашриёти/, Бадиий адабиёт /ҳозирги Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти/, «Медицина» /ҳозирги Ибн Сино номидаги/ нашриётлар ташкил этилди. Бир мунча кейин ташкил қилинган «Меҳнат», «Камалак» /собиқ «Ёш гвардия»/ нашриётларининг илдизлари ҳам «Ўзбекистон» /собиқ Ўздавнашр/ нашриётига бориб тақалади.

● «Ўзбекистон» нашриёти республикамизда фаолият кўрсатаётган барча нашриётларнинг отахони бўлиб, у ўтган етмиш йил давомида минглаб муаллифларнинг ўн минглаб асарларини милён-милён нусхаларда чоп этиб, элга зиё таратган маърифат ўчоқларидан биридир.

● «Ўзбекистон» мамлакатимизнинг тарихи, фани, маданий мероси, тараққиётига оид ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп адабиётларни чоп этишни йўлга қўйган. Давлат қонунлари, ҳукумат қарорлари, Ўзбекистон республикаси ҳақида маълумотлар, рангли альбомлар, етакчи фан, адабиёт ва санъат арбоблари — Беҳбудий, Мунавваркори, Абдулла Авлоний, Ҳамза, Тавалло, Сўфизода, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжонларнинг асарларини нашр этиб тарқатган.

● Й. Охунбобоев, Ф. Хўжаев, А. Икромов, Ш. Рашидов сингари давлат арбобларининг нутқлари, мақолалар тўплами, турли плакатлар ва тақвимларни оммавий нусхаларда чоп этган.

● Нашриёт миллий ноширлак мактабига асос солган ва кўплаб зукко ноширлар салафини камолга етказган маскандир.

ТЕРАН САТРЛАР

«ХАЛҚНИНГ МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ ТИКЛАНИШИ — ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ НЕГИЗИДИР.

Маънавий соҳада ўз ифодасини топган аниқ-равшан ютуқларни, шубҳасиз, жамиятни янгилаш ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёни илк босқичининг жуда катта муваффақияти деб ҳисобламоқ керак. Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги, жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир.

Халқимиз сарчашмаларининг кўзлари қайтадан очилганлиги, жаҳон маданияти ютуқларига зўр ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг маданий ва маънавий мероси теранлиги англаб олинганлиги, ҳар бир авлоднинг ўз ўтмишига, олижаноб миллий ва диний анъаналарига ҳурмат билан қараш, уларни асраб-авайлаш руҳида тарбияланаётганлиги, айни чоғда ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси ва маънавияти қадриятларини ўзлаштириш ва уларга ошно бўлиш зарурлиги равшан англаб етилганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси ҳаётбахш бир заминдирки, бизнинг янгиланиш ва халқимизнинг миллий ўзлигини англашини ошириш, аҳолининг сиёсий етуклиги ва фаоллигини кучайтириш борасидаги сиёсатимиз мана шу заминга таянади».

«Халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф-одатлари, тили ва руҳи негизига қурилган миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиши, уларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаши, ҳалолликни, мардлик ва сабр-бардошлиликни, адолат туйғусини, билим ва маърифатга интилишни тарбиялаш йўлида ҳизмат қилмоғи лозим. У давлат фуқароларининг буюк мақсад йўлида маънавий яқинлашувига кўмаклашмоғи керак.»

Ислом КАРИМОВ. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». «Ўзбекистон» нашриёти, 1995 йил.

«Ўзбек тили, шу жумладан, ўзбек ҳуқуқшунослик тили сўнгги юз йил мобайнида ўз томирлари, асл замин ва манбалари асосида ривожлана олмади. Ҳозирги ўзбек расмий давлат тили Амир Темур, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурлар тилидан, ҳаттоки яқин замондаги Абдулла Қодирий даври расмий тилидан ҳам кескин фарқ қилади. Бу ерда гап, тилимиз тараққиётининг равнақи эмас, балки акси ҳақида бормоқда.

Ўзбек қонунчилик тилининг қашшоқлиги шу даражага бориб етдики, бугунги кунда қатор русча ва бошқа байналмилал ибораларни англатувчи ўзбекча сўзлар топилмай қолди...

Қонун чиқарувчи орган баъзан онгли равишда, бунга зарурат бўлмаса-да, хорижий ибораларни ишлатади...

Мисол: Мустақил деҳқон хўжаликларини шакллантириш авж олган паллада, қонунчилигимизда «фермер хўжалиги» деган ибора пайдо бўлди. Бунга ҳожат йўқ эди...

«Таълим тўғрисида»ги қонунда «магистр», «бакалавр» деган тушунчалар қўлланилди. Наҳот қадимий илдизлари ва бой меросга эга бўлган ўзбек тилимизда ушбу инглиз ибораларини англатувчи сўзлар топилмаса? Тўғри, республикамиз таълим ва ундаги унвон даражалари борасида ҳам халқаро мезон ва ўлчамларга интилаётгани тушунарли. Бироқ, бу ҳаракат тилимизни камситиш эвазига бўлмаслиги лозим. Таълим борасидаги даража-номланишларга келсак, бу ерда, бизнингча, ўзбекона «мавлоно», «маҳсум» деган сўзлардан фойдаланилса ўринли бўлар эди».

Х.Т. ОДИЛҚОРАЕВ. «Ўзбекистон Республикасида қонун — чиқариш жараёни». «Ўзбекистон» нашриёти, 1995 йил. 192-93-бетлар. (Масъул муҳаррир: академик Ш. З. ЎРАЗАЕВ).

***

«Ҳар қандай давлатда қонунга эътибор ва эътиқод юксак даражада бўлса, яъни унинг фуқаролари — оддий хизматчидан давлат раҳбаригача — қонун талабларини оғишмай бажарсалар, бундай давлат ички ва ташқи сиёсатда катта муваффақиятлар қозонади. Бу оддий, ҳаётий зарур ҳақиқатни мамлакат аҳолисига тушунтириш учун, бизнинг фикримизча, боғчаларда, мактабларда, мадраса ва олий ўқув юртларда, маҳалла ва меҳнат жамоаларида давлат мафкурасининг асосий таркибий қисми сифатида Конституция ғояларини, талабларини тарғиб қилиш керак. Республика фуқаролари мустақил Ўзбекистон давлатининг фуқароси эканликларидан фахрланишлари ва унинг Конституцияси нормаларини ҳурмат қилмовчилар ва қонунбузарларга нисбатан муросасиз бўлишларига эришиш керак».

Ҳ.БОБОЕВ. Конституция ва истиқлол мафкурасининг шаклланиши («Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ҳаётга тадбиқ қилиш муаммолари» тўплами «Ўзбекистон» нашриёти, 1995 йил. 130-бет).

КОМПЮТЕР ВА НОШИРЛИК

Жаҳон илм-фан тараққиёти сўнгги ўн йилликларда компютер техникасини ноширлик ишига татбиқ этишга олиб келди.

1990 йилда республика нашриётлари орасида «Ўзбекистон» нашриёти биринчилардан бўлиб компютер техникасини ноширлик ишида қўллай бошлади.

Нашриёт раҳбариятининг (ўша вақтда нашриёт директори Рустам Шомуродович Шоғуломов эдилар) ташаббуси билан нашриёт ҳузурида техникавий ва программавий воситалар негизида ишлайдиган хўжалик ҳисобидаги «Ўзбекинтерфин» корхонаси очилди. Бу корхона, ўз Низомига мувофиқ, бошқа республикалар, чет давлатлар билан бевосита алоқа ўрнатиш, улардан янги техника, технология, қоғоз ва матбаа материаллари сотиб олиш ҳуқуқига эга эди. Шу корхона воситасида нашриёт компютер техникаси сотиб олиб, нашр ишига жорий этди. Шу муносабат билан нашриётнинг йигирмадан зиёд ходими Санкт-Петербург шаҳрида махсус курсларда ўқиб келди. Ҳозир эса мутахассислар шу ернинг ўзида тайёрланмоқда.

Нашриёт ишига компютер техникасини жорий этишнинг кўпгина афзалликлари бор. Биринчидан, қўлёзмани таҳрир ва теришга тайёрлашда бир неча жараён қисқаради. Иккинчидан, қўлёзма босмахонага суратга олишга тайёр ҳолда топширилади.

Бироқ, ҳар бир янгиликда бўлганидек, бу соҳада ҳам қийинчилик ҳамда мураккабликлар бор эди. Бу-лар янгиликни қабул қилишга тайёр бўлмаган ходимларни илғор техникага кўниктириш ҳамда унинг афзаллигига ишонтириш; компютернинг бутловчи материалларини топишнинг қийинлиги ва қимматлиги эди. Лекин иш жараёнида бу қийинчилик ва мураккабликлар енгиб ўтилди. Навбатдаги вазифа — муҳаррирларни қўлёзма таҳririни бевосита компютерда бажаришга ўргатишдир.

Ҳозир компютер цехи масъулияти чекланган «Ношир» жамияти таркибида иш олиб бормоқда. Цехнинг иш ҳажми анча ошди. Жамият фақат нашриёт қўлёзмаларинигина териб қолмай, балки бошқа нашриётлар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳам буюртмаларини бажармоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, Давлат телерадиокомпанияси ҳамда журналистлар уюшмаси томонидан таъсис этилган «Кўзгу» ҳафтаномасининг оригинал-макети шу цехда тайёрланади.

Ҳозирги кунда цехда 20 га яқин компютер, 2 та лазерли принтер ишлаб турибди. 15 га яқин матн босувчи-оператор, бир неча дастурчи, диспетчер ва бош муҳандис фаолият кўрсатмоқда.

Булар — Алишер Солиҳов, Рафиқ Носиров, Феруза Сафаралиева, Галина Василева, Шоира Соибназарова, Елена Беляцкая, Эля Ким, Лиля Абкеримова ва бошқалардир.

Жамият истиқболли корхона. У янада кенгайиш ва катта ишларни амалга ошириш имкониятига эга.

Шомуҳитдин МАНСУРОВ

Суратларда: «Ўзбекистон» нашриёти ҳаётидан лавҳалар. Саҳифани мухбирларимиз М. Муродова ва М. Исмоил тайёрладилар.

ҲУНАРДАН УНАР

Расомчилик, мен учун ота касб. Мен бир умр журнал ва нашриётларда рассомчилик қилиб келган Қодир Сойибназаровнинг ўғли бўламан.

Даламнинг касбларига ҳавас қилиб, П. Бенков номидаги рассомчилик мактабига ўқишга кирдим. Сўнгра, «Кино» журналида, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида, 1972 йилдан эса «Ўзбекистон» нашриётида ишлаяпман.

Китоб безаги санъати минг йиллик тарихга эга бўлиб, уни ўрганиш ва ўзлаштириш кишидан катта меҳнатни талаб қилади. Айниқса, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий нашрларга мўлжалланган бизнинг нашриётимизда мазмун ва шаклнинг уйғун бўлиши, қоғознинг сифати, бўёқ навларининг танланиши кишидан нафақат меҳнат ва масъулиятни, ижодкорликни, ўткир дид ва яратувчанликни, замонавийликни, билимни талаб қилади. Шунингдек, дунё матбаа санъатининг бугуни билан ҳам танишиб бориш, иложи бўлса, жаҳон китоб кўргазмаларида, халқаро китоб санъати йиғинларида қатнашиб туришни талаб қилади. Қатнашишдан мақсад, диёримиз китоб безаги санъатини дунё миқёсига чиқазишга ҳам уриниб кўришдир.

Яқинда Туркияда «Хива ва Қашқадарё» номли рангли албом-китобларни чоп этиш вақтида дунёдаги энг илғор студия-электрон ранг айириш устахонасида бўлдик ва ҳайратдан ёқа ушладик. Худди шу ерда камалакдаги етти рангнинг етмиш хил кўринишининг гувоҳи бўлдик.

Эндиги энг катта ниятимиз ва интилишларимиз — шундай электрон ранг айириш студиясини она Ўзбекистонимизда ҳам қурмоқ ва фойдаланмоқдир.

Обиджон Сойибназаров, нашриёт бош рассоми

ФАМИЛИЯМИЗДАГИ -ОВ РУСЧАМИ?

Ҳозирги кунда юртдошларимиз орасида ёзув ўзгариши ва янги паспорт олиш муносабати билан ўз исми шарифларини, болаларининг исми шарифларини қандай кўрсатиш муаммоси турибди.

Паспортда ҳар бир шахс ўзининг ва болачақасининг исми шарифини (Аҳмадов, Аҳмадий, Аҳмад, Аҳмад ўғли, Аҳмедович каби) қандай кўринишда бериши ихтиёрий бўлса керак деган умиддамиз. Шундай экан, фамилиямизнинг қандай шаклга эга бўлиши анча муҳим масала бўлиб, ҳозирги даврда унинг қандай шакли танланиши фамилия эгасининг дунёқараши, илмий савияси билан чамбарчас боғлиқдир. Бу алоҳида тадқиқот муаммосидир. Биз эса, ушбу ишимизда ҳозирга қадар бизда фамилия ясовчи ҳисобланган **-ов, -ев), -ова, -ович, -овна** қўшимчалари устида баҳс юритмоқчимиз. Ҳозирги кунимизда зиёлиларимизнинг анчагина қисмида ўз фамилияларидан мазкур қўшимчаларни олиб ташлашга мойиллик борлиги сезилиб турибди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу ҳар кимнинг шахсий иши. Аммо шу муносабат билан ҳаётимизнинг 70 йили давомида «-ов»лар анча илдиз отганлиги ва ундан воз кечиш руҳан унча енгил бўлмаслигини айтиб ўтмоқчимиз. Айрим миллатдошларимиз «хайрлаша бошлаган» бу фамилия ясовчи қўшимчалар қандай келиб чиққанлиги, унинг маъноси ва ўзгариш йўлларини билишга кўпчилик қизиқса керак деган ўй ушбу мақолани ёзишимизга ундади.

Рус тилшунослари (В. Д. Бондалетов, Русская ономастика, М., 1983; А. В. Суперанская, Обшая теория имени собственного. М. 1973, С. И. Зинин, Введение в русскую антропонимию. Ташкент, 1972) рус фамилияларини ҳосил қилишда энг серунум қўшимча ҳисобланган **-ов (-ев)ни,** келиб чиқиши масаласида, қисқача қилиб эгалик (притяжательный) қўшимчасидан деб изоҳлашга маойилдирлар. Машҳур Ўлжас Сулаймонов айтганидек ва кейинги ўн йилликлар рус совет тилшунослиги, славяншунослиги асарларида яққол намоён бўлган ва бўлаётган ҳодиса — бу славянларга, асосан, Ғарб таъсирини (жумладан, тилига ҳам) бўрттириб кўрсатишу Шарқ таъсирини, хусусан, туркий таъсирни имкони борича четлаб ўтишдир. Аммо тил ва тарих бундай хаспўшлашга қараб ўзгармайди, бу қайсар фактлар «Мана, мен» деб тураверади.

Рус ва умуман славян фамилияларидаги **-ов (-ев)** дастлаб қайд этилган (учраган) вақти ҳам Х асрдан нари ўтмайди. Жуда оз миқдордаги VI—X асрларга оид тарихий ёдгорликлар, йилномалардан ва қардош славян тилларини қиёслаш натижасидан келиб чиқиб, Х асрда ва унгача шарқий славянлар атамачилигининг асоси кишилар исмигина бўлган, деган фикрни айтиш мумкин (В. Д. Бондалетов, 97-бет). Х асргача ва Х—XII асрларда шарқий славянлар ўзларидан кўра ижтимоий-сиёсий жиҳатдан анча юқори бўлган, аммо ҳаёт тарзи икки хил — ўтроқ (ҳазар, булғор) ва кўчманчи (қипчоқ, бажинак) турк қавмлари маданияти таъсирида бўлади. Туркларда ҳаёт тарзининг ўша замондаги ҳар икки тури намоён бўлиши билан бирга давлатчиликнинг ҳам икки тури мавжуд эди. Жуда яхши йўлга қўйилган чорвачилик ва ҳарбий тизим, уруғчилик анъаналари ҳаёт билан чамбарчас узвий боғланган ва ўз даври талабларига аъло даражада жавоб берувчи турки ҳаёт қўшничилиги шарқий славянларга таъсир қилмаслиги мумкин эмас эди. Ғарбий турклар давлатчиликда ҳам, деҳқончиликда ҳам, чорвачиликда ҳам, ҳатто шаҳар ҳаётини йўлга қўйишда ҳам славянлардан устун эди. Буни ҳатто шарқий славянлар шаҳарларининг онаси ўзининг славянча **Совод** («Қўшсув») номини туркича **Киев**га («Кий эли») бўшатиб берганида ҳам кўриш мумкин (умуман, ўша минтақада кўп шаҳарлар номи туркидир, масалан, **Кишинев** («Қўшин эв» (уй)). Мана шу даврда славян тиллари **полк** (бўлук), **атаман** (йўлбошчи, йўлчи), **отец** (ота-йўлбошчи, етакчи), **лошадь** (алаша от), **багряный** (бағир — жигар рангли), **жемчуг, коч-кочевник** (кўчмоқ), **язычник** (йазиқ — яйлоқ), **буйний, буран, туман, сазан, кабан** (умуман, рус тилидаги -ан билан тугайдиган барча жониворлар номлари), **алтун** (олтин), **деньги** (танга), **кирпич, утюг, курган, ясаул, караул, сабля** (чопмоқ феълидан), **воин, облава, чугун, булат, колчан, «ура», орда, богатыр...** каби турк сўзлари билан бойиди. Бундай сўзлар миқдори юзлаб бўлиб, асосан, маданий сўзлардир. Бу Ўлжас Сулаймон айтганидек, X—XII асрларда славян (рус)—турки иккитиллилиги натижасидир. Славян-турк иккитиллилиги ҳақида Ҳэми ҳам «девяносто» сони турки тил асосида вужудга келганлиги ҳақидаги мақоласида фикр билдиради. Бу иккитиллилик замонида славянлар актив (яъни тил ўзлаштирувчи), туркилар пассив бўлган. Натижада турки тил славян (шарқий) тилларининг лексикасигагина эмас, балки грамматик сатҳига ҳам таъсир этган. Турки тилдаги айрим сўзлар славян (шарқий) тилига ўтгач, бир хил вазиятда кўп қўлланавергач, қўшимчага айланиш ҳоллари ҳам учрайди. Турки тилдаги **оба, (ўба, ўва, ўпа, уба)** «қабила ва уруғ» тушунчасини ифода этувчи сўздир. Бу сўз шунинг билан бирга **«уй (эв)», «ўтов»** (дастлабки этимологияси чайладан қилинган уй, яъни **ўт+ов), «оила», «яшаш жойи»** (Свеортян) маъноларига ҳам эга бўлиб, ўзбек лаҳжасининг Хоразм шевасида **ўва, увва** шаклида сақланган. Бундай сўзлар «уруғ ва унинг бўғинларини ифода этиб, турк ва мўғуллар тилига хосдир, этнос ҳақида бундай тушунчани ифода этиш Оврупа халқларига ётдир» (Н. В. Подольска, Словарь русской ономастической терминологии. М., 1988, 46-бет). Шу жумладан, Оврупо халқларидан ҳисобланган шарқий славянларга ҳам ёт бўлган. Биз юқорида қисқача айтиб ўтган иккитиллилик даврида ушбу сўз ҳам **(ўба)** шарқий славянларга ўтади. Маълумки, иккитиллилик дастлаб юқори табақага хос бўлади. Чунки айнан юқори табақа ҳукмрон этнос билан яқинлашишга, унинг тили, урф-одати, ҳатто динини ўзлаштиришга биринчи бўлиб интилади. (Буни биз ўз ҳаётимизда кузатаётганимиз учун изоҳлаб ўтириш ортиқча деб ўйлаймиз.)

Рус олимлари таъкидлашича, «Русияда дастлаб княз ва боярлар фамилиялари пайдо бўлиб», ундан кейин асрлар давомида бошқа табақалар фамилиялик бўла бошлаган. («Игор жангномаси» тилидаги -ев, -ов қарашлиликни ифода этувчи қўшимчанинг (о полку Игорева) ўзига хос хусусияти шуки, ундан кейин албатта **«а ёки и(ы)** флексияси келмоғи шарт.)

Дастлаб айтилганидек, **ўб** жой номларига қўшилган **(Кийев, Кишинэв, Черник-ўб...)** ва ўзи қўшилган сўз маъносига қараб, шу ерда истиқомат қилувчи туркий уруғ ёки славянларнинг машҳур хонадонлари жойи маъносини ифодалаган. Бу ўринда **ўб (ўба)** сўзининг «уруғ» ва «оила» маънолари юзага чиққан. Кейинроқ турки қабилалар билан яқинлашган ва улар таъсирида бўлган (Ўлжас Сулаймонов таъкидлашича, княз Святославнинг кўрган туши ҳам туркидир) князлар, қиз бериб қиз олиш натижасида ҳам, ўз хонадонини ифода этиш учун отаси номига **ўб** (аёллар **ўба**) қўша бошлайдилар **(Иван+ўб** — Иванов, яъни Иван хонадони, оиласи). Князлардан сўнг бу одат боярлар ва бошқа зодагонларга ўта бошлайди. Бу жараён XIII асргача давом этади. Аммо жамиятнинг фамилияга эҳтиёжи унчалик сезилмаслиги оқибатида мазкур жараён ўз ривожидан вақтинча тўхталади. XV асрдан бошлаб Русияда кенг омманинг барча қатламлари фамилияли бўлишга эҳтиёж сезилади ва унутилаёзган **-ўб (-ўба)** ушбу вазифани кенг кўламда ўтай бошлайди. Рус тилшунослари таъкидлашича, дастлаб **-ўб(-ўба)** фамилиянигина эмас, балки отасининг исми — (отчество)ни ҳам ифода этган **(Иван Иванов — Иван Иванович).** Тилда аввал унут бўлган сўз ва формалар вақт ўтиши билан қайта тикланиши ва янгича шароитда янги маъно касб этиши тез-тез учраб турадиган ҳодисадир. (Масалан, **совет** сўзи ҳам XIII асргача туркий тилдан ўзлашган сўз бўлиб (**сав** — «сўз», **ўт** — «ўгит»— маслаҳат) аввал унутилган, сўнг XX асрда асл рус сўзи сифатида қайта тикланди. Фикримизни, яъни рус фамилия ясовчи қўшимчаси — **ўв (ўва)** туркий эканлигини тил фактларидан ташқари мисоллар билан ҳам тасдиқлаш мумкин. Дунёнинг фамилияли тилларининг деярли барчасида фамилия ҳосил қилишда «ўғил» (қиз), «ота», «уруғ» маъносини ифода этувчи сўзлардан фойдаланилган, бироpта тил келишик ёки қарашлиликни ифода этувчи флексия (қўшимча)дан фойдаланган эмас. Фамилия ҳосил қилиш учун махсус шакл қабул қилинмаганда, ота ва боланинг исми кетма-кет келтирилишидан фойдаланилган. Қарашлиликни ифода этувчи қўшимча (жумладан, флексия ҳам) ўзидан олдин ва кейин қаралмишни талаб қилиши жиҳатидан у соф синтактик бирикма учун хизмат этади, унинг морфологиялашуви, хусусан, лексикалашуви ниҳоятда қийиндир (тасаввур қилинг: ўзбекча **Каримнинг** ёки **Карimники** каби фамилиялар бўлсин!).

Ўб (ғба) хонадон маъносини ифода эта бошлагач, яъни у фамилияга айлангач, бирмунча муддат у отанинг исми (отчество)ни ҳам ифодалаганини айтиб ўтдик. Бу ҳолат **ўб (ўба)**нинг муомалада омонимлик ҳосил қилинишига олиб келади. Яъни оиланинг умумий фамилиясидан ташқари отанинг исмини ҳам ифодалаши баъзи ҳолларда ноқулайлик туғдиради. Мана шу ноқулайликни бартараф этиш учун эҳтиёж ҳосил бўлади. Эҳтиёж эса, **«ўб(а)а»**нинг қисмини, яъни хонадон қисми ва бевосита отани ифода этувчи шаклни топади. Фамилияга бўлган эҳтиёжни қондирган манба, ота исмини ажратиб ифодалашга ҳам ярайди. **«Ўб»**— хонадон, оилада айнан кимнинг фарзанди эканлигини фарқламас экан, туркидаги «ич» сўзини ота исмига қўшиш билан бу эҳтиёж ҳам қондирилади. **«Ич»**да «ички қисм», «жон» маънолари борки, у «ўба» аъзоларидан айнан кимнинг давоми — фарзанди эканлигини ифода этиш учун жуда қулай эди. Бу икки сўз — **ўб (а)** билан **ич** бутун ва қисм муносабатини ифода этганлиги учун ҳам (айрим оғзаки қисқартилишларни ҳисобга олмаганда) биргаликда қўлланилиши лозим бўлади. Яъни Иван Иванич эмас, балки **Иван Иванович**. Агар **«ич»** «-ов»дан мустақил бўлганида эди, бу ҳолат мажбурий бўлмас, **«ич» «-ов»** сиз қўлланаверган бўларди. **«Ов»** билан **«ич»**нинг зич боғлиқлиги — бутун ва қисм муносабатини ифода этиши, бу бирликнинг аёллар шаклида янада яққолроқ намоён бўлади: **Ивановна. -Ич** шакли **«ич»** сўзи билангина эмас, балки яна турки бўлмиш **-ич** кичрайтиш-эркалаш қўшимчаси бўлиши ҳам мумкин (бека — бекач). (Рус тилига туркидаги **-ич, -ч** аффикси билан яслган анчагина сўзлар ўтган: толма**ч**, сурна**ч**, сургу**ч**; сила**ч**, ловка**ч** — бу ерда **«ч»** рус сўзларига ҳам қўшилиб сўз ясаган: басма**ч**.) Ҳар ҳолда, бу ҳар икки аффикс келиб чиқиши нуқтаи назаридан турки эканлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Шу билан бирга, бу ҳолда турки тил ва турки этнос рус тили ва рус халқи этногенезида муҳим рол ўйнаганлигини кўрсатувчи бир далил ҳамдир. **-Ов** ва **-ев** ҳинд-оврупо тиллари, жумладан, славян тиллари заминида вужудга келмаганлиги ҳам унинг ўзлаштирилган формалар эканлигини кўрсатади. Агар бу қўшимчалар славян тиллари заминида вужудга келган бўлганида у кўпчилик славян тилларига тарқалган бўлиши ёки унинг фонетик ўзгарган шакллари учраши лозим бўларди. Аммо **-ов, -вич**лар фақат шарқий славянларга хосдир.

Ҳозирги замон рус тарих ва тилшунослик илми турки халқ ва тилнинг рус маданияти тараққиётида тутган мавқеини ерга уриш, ҳатто йўққа чиқаришга уринаётган бир пайтда ушбу мақола (бу ҳақда Ўлжас Сулаймоновнинг «АзиЯ»сига қаранг) ҳақиқат тикланиши учун бир кичик ёрдам бўлади, деган умиддамиз.

Бахтиёр ИСАБЕК

МУСОФИР

Ривоят

Эскиқўрғондаги карвонсаройининг яна ороми бузилди: меҳмону мезбонлар бостирма одғидаги кўримсизгина, тўкилиб турган ҳужрага ҳавас ва ҳаяжон билан қарашган, мусофирни ташқарига чиқишини, маънисиз бўлса-да бир марта қараб қўйишини интизор кутишган. Кимлардир сомон уюмида, кимлардир от қантариладиган қайрағоч ходасига қалдирғочлардай тизилган, қаттиқроқ суҳбатлашишса унинг шарпасидан бебаҳра қоладигандай, секин-секин деярли шивирлаб гаплашишяпти. Яхшиямки, бу ерда от-уловлар боғланмайди, бўлмасам вужудлари кўзу қулоққа айланган бу кимсалар озурда қолишармиди...

Мана учинчи ҳафтадан буён аҳвол шу: жума намозидан сўнг гурра-гурра одамлар мусофирнинг ортидан қорама-қора эргашиб, эрталабгача карвонсаройда тунашади. У бомдодга турганида таҳорат олишини, намозини тугатиб дарча ёнида кийими билан ғусл қилишини ва ниҳоят чўл томонга йўл солишини кузатиб, сўнг тарқалишади.

Мусофирнинг ҳар бир қадами, қараши, ҳаттоки олган нафасигача тирик жонни ўзига қаратадиган, ихтиёрини олиб қўядиган сеҳрли, сиру синоатли эди. Унинг ҳамма қилиқларига кўникиш, ундан қандайдир хулосалар чиқариб, мағзини чақиш мумкин, аммо эл орасида кийими билан бошидан сув қуйишини ҳеч тушуниб бўлмасди.

Одамларнинг қизиқишини, тонғирқашларини билгандай, карвонсаройга Ёқубтой кириб келди-ю, ғалатироқ бўлса-да барига жавоб топилди, мусофирнинг кимлиги бир оз ойдинлашди. Агар Ёқубтой бўлмаганда бу ғусл усули ҳам, мусофир ҳам жумбоқлигича қолар, ҳеч кимса ундан ҳеч нарсани сўраб-суриштиришга ботинолмасди.

Ёқубтой тўдаланиб турган ҳамқишлоқлари билан саломлашмадиям, қарамадиям, тўғри унинг олдига, эски танишини кўргандек қулочини ёзиб борди.

— Сиз ҳам ўзимиздан экансиз, ака. Мен ҳам кийимимни ечмай чўмиламан.

Мусофир «ҳм-ҳм» дея калласини қимирлатиб тасдиқлади, сўнг тили остидан ёнғоқдан ҳиёл кичикроқ нарса олиб, белбоғига ўради.

— Қаерларда юрибсиз, Ёқубтой, мен сизни кўп қидирдим, тополмадим.

— Ака, мен ҳам сизни излайман дейман-у, қаёққа отлансам одамлар қайтаришади, билдирмай жўнасам, топиб олиб келишади.

— Сизни кўрай девдим, мана кўрдим, энди мениям ташқарига йўлатишмаяпти, одам юриб турмаса занглаб қолади, бир жойда ётовурмаслик керак.

— Эрта тураман, ака, кўрпанинг тафтидан, уйқунинг лаззатидан кечаман. Тонги ҳаво бошқача-да.

— Мен, ўзингиз кетгингиз келмаяптимикан дебман.

— Ҳалиям қидиряпсизми?

— Ҳа, излаяпман.

— Олдингилар ҳам топишолмаган. Яхшиси, борганингизда ўзига айтиб қўя қоласиз.

— Ўзига айтмасам ҳам, билади. Мени фақат сарсон-саргардон бўлганим қолади, холос.

— Худо ярлақаган одамсиз.

— Шундан бошқа ҳеч нарсам йўқ.

— Қанийди, мен ҳам сиздай бўлолсам.

— Сиз мендан баландсиз, Ёқубтой. Ичида юриб, ташқаридасиз.

— Сиз этак силтагансиз.

— Кечиш — иймонсизлик, Ёқубтой. Мени кузатиб қўйинг!

Улар анчагача гаплашиб боришди, одамлар эшитишолмади, лекин тарқалишмади. Ёқубтойнинг қайтишини кутишди. У пешинга яқин етиб келди.

— Той, сен уни танирмидинг, отингни атади.

— Унинг таги Эскиқўрғондан, бу ерга сиғмай қолувди, энди ҳеч ерга сиғмаяпти.

— Унда, мусофир эмас экан-да.

— Йўқ, мусофир. Асли ҳаммамиз мусофирмиз.

— Нега сен ҳам кийиминг билан чўмиласан?

— Ўзим ҳам билмайман.

— Сўрамадингми?

— Сўрадим.

— Нима деди?

— Одам ғуборсиз эмиш. Уни назар кирлантирар-кан. Бизни назаримиз кирланган экан, одамлар! Ўликни кафанлангандан кейин бировга кўрсатмасликнинг маъниси ҳам шундан экан.

— Нимани қидиряпти экан?

— Ютиб чиқармайдиган нарсани.

— Унақа нарса йўқ-ку.

— Ўзиям билади йўқлигини, лекин қидиравера-ди.

— Оғзидаги нима экан?

— Гавҳари.

— Гавҳар?

— Ҳа, гавҳар.

— Биров ўғирлаб қўйишидан қўрқиб оғзига солиб юрарканми?

— Йўқ, гапириб қўймайин деб, тилининг остига солиб юради.

— Сенга гапирди-ю.

— Мен қуриган қудуқ эканман.

— Яна нималар деди?

— Бошқа гапларни айтолмайман.

Одамлар бошларини сарак-сарак қилишиб, ҳайронлик ила тарқалишди ва шу кунни сабрсиз кутишди.

Мусофир яна келди, жума намозига борди. Тўғриси, унинг сафида, орқасида турганлар намоз ўқигандай бўлишмади. Уларнинг боши саждада, тили калимада бўлса-да, кўзи, қулоғи, хаёли унга боғланди. Устига-устак ундан қандайдир иссиқлик таралар, хушбўйлар анқир, камига оёғи ердан озгина кўтарилгандай эди.

Жума намози тугагач, унга қизиқувчилар янада кўпайди. Карвонсаройга бирга келишди. Одатдагидек у кишиларга парво қилмай, ҳужрасига кириб эшикни ёпти.

Нима қилишини билмай қолган одамлар Ёқубтойга одам юборишди.

У бетоб экан, келолмади. Йиғилганлар турли хил мунозаралар қилишар, тортишар, лекин аниқ бир тўхтамга келишолмасди. Сўнгра ичларидан дадил бир одамнинг таклифи билан хуфтондан сўнг ичкарига бостириб киришга қарорланишди.

Вақт ниҳоятда секин ўтарди. Улар бу нотаниш ҳамқишлоғининг ғайритабиий одатларини тезроқ билишга, уни марҳаматига сазовор бўлишга ошиқишар эди. Хуфтон намози ҳам ўқилди.

Улар овоз чиқаришмасдан аста ҳужрага киришди, шам ёқишди. Мусофир бошига гувалани ёстиқ қилиб, ҳеч нарсадан бехабар, жимгина ухлаб ётарди. Кишилардан бири иккинчисига аста шипшиди:

— Қўлларини қаранглар, қўлларини, бармоқларидан қандайдир мусиқага ўхшаш мунгли бир ун чалиняпти.

— Ун?

— Ҳа, яқинроқ келиб қулоқ солинглар-а.

— Ие, ҳақиқатдан ҳам, нимадир эшитиляпти. Оёғидан ҳам келаяпти.

— Оёғидан момагулдиракнинг саси таралялти.

— Томирини ушлаб кўринглар-чи?

— Томири одам боласининг томирига ўхшамайди, жуда қаттиқ, қўлимни дилдиратиб юборяпти.

— Юраги-чи, юраги?

— Юрагининг гумбурлаганига қулоғим дош беролмади.

— Энди-чи, — деди дадил одам, — оёқ-қўлини боғлаймиз-да, оғзини очиб, тилининг остидаги гавҳарини оламиз.

Шу пайт мусофирнинг кўзи очилиб, шам ўчди, қаттиқ қаҳқаҳа ҳужрани тутди. Одамлар бир лаҳза довдираб, гангиб қолишди. Дадил одам дадиллигига борди, ўзини йўқотмади, унинг бошидан маҳкам ушлади, оғзига қўлини тиқиб, ёнғоқдек нарсани олди.

— Шамни ёқ!

Шам бир лаҳза ёниб яна ўчди. Дадил одамнинг кафтидаги нарсани ҳамма кўрди, у оддий тош эди.

— Тош экан-у, гавҳар қани?

— Сизларга гавҳари бор деб ким айтди?

— Ёқубтой.

— Бекор гап, шу тошдан бошқа оғзимда ҳеч нарса йўқ.

— Юзлаштирсак-чи?

— Майлинглар.

— Боринглар, Ёқубтойни олиб келинглар!

— У нотоб.

— Кўтариб бўлсаям олиб келинглар!

Ҳужрадан уч киши ташқарилади.

Дадил одам ишонқирамади чамаси, шам тутганга буюрди:

— Шамни ёқ, яна бир кўрайлик-чи?

Шам ёниб кафтдаги тош-тошлигини кўрсатди. Шам бу гал ҳам ўчиб, дадил одамнинг жаҳлини чиқарди:

— Сени қўлингга тушган шам ҳам ёнмайди.

Эшик очилиб, бояги уч йигит етовида Ёқубтой кириб келди.

— Ана, ўзи кирмоқчи бўлиб турган экан.

— Той бола, бунинг оғзидаги гавҳар дегандинг, тош экан-ку, нега ёлғон айтдинг?

— Тилини остида яшириб юрган эъзозли нарсасини гавҳар демай тош дейманми, ака!

— Майли, бўлар иш бўлди. Мусофир! Сен энди ётовурмай чўлингга жўна. Эскиқўрғонга қайтиб келма!

У аста ўрнидан турди, пайпаслаб кулоҳини топиб кийди.

— Бир челак сув берсанглар, назарингларни ювиб ташлардим.

— Ташқарига чиқавур, яхшилаб сувга пишишади.

Мусофир очиқ эшикдан чиқиб, ҳар доим ғусл қиладиган жойига борди. Кимдир уч челак сув келтириб нари кетди. У чўмилаётган паллада, дадил одам йигитларга буйруқ берди:

— Бир қадам ҳам қаровсиз қолдирманглар, измаиз юринглар!

Кишилар анча илгарилаб кетган мусофирнинг орқасидан чўл томонга юра бошлашди. Шунда қайрағоч ходасида бошини боғлаб ўтирган Ёқубтой уларга бақирди:

— Ҳў-ў, одамлар, уни ҳоли қўйинглар, безовта қилманглар, мени тинч қўймаганинглар камлик қилувдими, қайтинглар!

Одамлар унинг гапларини эшитишмагандек йўлларида давом этдилар. Ёқубтойнинг зардаси қайнаб ўзи ҳам улар ортидан югурди ва кишилардан ўзиб мусофирга етиб борди.

— Мени ҳам олиб кетинг, ака!

— Ёқубтой, касалсиз.

— Мен касал эмасман, ака, беморман. Манавулар касал, буларни тузатиш қийин.

— Булар ҳам орқамизда юришовурса тозаланади.

Мусофир билан Ёқубтой ёнма-ён юришар, ҳар замон-ҳар замон ортларига қараб қўйишар, кишилар келаётганини кўришиб яна йўлларида давом этишарди.

Мусофир йўлда учраган бирорта чуқурликми, хандақми, қудуқми кўрса, тўхтар, узоқ тикилиб қолар, аттанг саёз экан, ёки аттанг суви бор экан, деб қўярди. Улар жуда кўп жойларни босиб ўтишди. Бир маҳал узоқдан эски ташландиқ минора кўринди. Мусофир қувониб кетди, Ёқубтойни туртди.

— Топдим, қаранг, қудуқ, тўнкариб қўйишибди, югурдик.

Улар минора томонга жон-жаҳдлари билан чопишди.

Маҳобатли минора остига етиб келишди. Мусофир шошиб миноранинг ичига кириб, анчадан сўнг миноранинг тепасида пайдо бўлди.

— Ёқубтой, қудуқ қуруқ экан-у, остиям, устиям очиқ экан.

— Жуда баланддасиз, ака, гапингизни ўзига айтиб қўявуринг.

Тепадан унинг ширали овози бутун оламни тутиб кетди.

— Оллоҳу акбар!

Баҳодир МУРОД АЛИ

Қўшиқ сурури

ТИЛНИНГ ОРҚАСИ БИЛАН ГАПИРИБ БЎЛАДИМИ?

Мустақиллик туфайли ижтимоий фанлар соҳасида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Фалсафа, тарих, адабиёт фанлари янгича ўқитилмоқда. Тилшунослик соҳасида ҳам секин-аста ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Тилимиз ҳодисаларини ўз табиатидан келиб чиқиб таҳлил қила бошладик.

Ўзбек тили шу вақтгача асосан рус тили қоида-қонунлари асосида ўрганилиб келинди. Рус тилидаги қонун, қоидалар ўзбек тилига тўғри келса ҳам, тўғри келмаса ҳам мослаштирилди. Рус тилига хос атамалар билан ўзбек тилидаги ҳодисаларни номладик. Бу 1878 йили Санкт-Петербургда босилган А.Старчевскийнинг «Спутник русского человека в Средней Азии...» қўлланмасидан бошланган. Кейинчалик 1884-1912 йиллари руслар томонидан асосан амалиёт учун тузилган дарслик, луғат ва қўлланмаларда русча атамалар янада кенгроқ қўлланди. Қизиғи шундаки, ўзбек олимлари араб ёзувидаги ёдгорликларни ўқий олишмагач, ўзлари тузган дарсликларда руслар қўллаган атамалардан кенг фойдаланишга ружу қўйдилар. Оқибатда ўзбек тили, айниқса, унинг товуш тузилиши қисмига кўплаб ғайритабиий, сунъий атамалар кириб келди: «тил олди», «тил орқа», «тил ўрта», «сирғалувчи», «портловчи», «жарангли», «жарангсиз», «ён товуш», «бурун товуш», «титроқ товуш», «лаб-тиш товуш», «тил орқа саёз», «тил орқа чуқур»...

Аччиқ ҳақиқат бўлса ҳам айтиш керакки, бугунги ўзбек студентлари ўз она тилини ана шундай сохта атамалар орқали ўрганмоқда. Хўш, бу атамалар ҳақиқатан ҳам ўзбек тилидаги товушларга хосми? Масалан, ҳақиқатда ҳам ўзбек «б»ни жарангли, «п»ни жарангсиз талаффуз қиладими? «Жарангли» сўзининг маъноси нима? XV аср ўзбек олими Толи Ҳиравий ёки бошқа эски ўзбек луғатчилари каби соддароқ қилиб «бои ажамий» (п), «бои арабий» (б), ёки «б», «п» товушлари десак бўлмайдими? «Тил олди» ва «тил орқа» атамалари рус тилидаги «переднеязычный», «заднеязычный» атамаларининг «таржимаси» ҳисобланади. Ўзбек тилидаги унлилар таснифланганда **э, и, е** товушлари тил олди, **а, о, у** товушлари **тил орқа** товушлари деб ўрганамиз. Хўш, ҳақиқатан бу товушларни ўзбеклар тилининг олди ёки орқаси билан талаффуз қиладиларми? Мутлақо, йўқ. Ўзбеклар унлиларни талаффуз этганда тилларининг олди ҳам, орқаси ҳам қимирламайди. **У, Ў** товушларини талаффуз қилганда лаб иштирок этади, **а, э** товушларида эса, оғиз кенг очилади.

Тилимизни ўрганишни шунчалик мураккаблаштирдикки, 30 ҳарф учун элликка яқин атама ишлатадиган бўлдик. Тил ўрганувчилар учун бу кўп эмасми? Ўзбек ўқувчилари бу атамаларни зўрға ўзлаштирмоқдалар. Тил ўрганувчи бошқа миллат вакилларига бу оғирлик қилмайдими? Уларни ўзбек тилини ўрганишдан бездириб қўймаймизми? Шуни эслатиш жойизки, турли нашриётларда юқоридаги атамалар билан «қуролланган» дарслик ва қўлланмалар ҳануз чиқиб ётипти. Бизнинг истагимиз — дарсликлар соддароқ бўлмоғи керак.

Эргаш УМАРОВ,
профессор

МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ ОРЗУЛАРИ

Ҳаёт жабҳаларида, илмда, адабиётда, умуман, мафкурада фақат дунёвий жиҳатга берилиш одамни бир қанотли қушга ўхшатиб қўяди. Руҳий-маънавий жиҳатдан қашшоқ мамлакат бир қанотли қушлар ўлкасига айланиб қолади. Бундай қушлар учишгагина эмас, митти оёқчаларини тўғри босиб юришга ҳам ярамай қўяди. Фақат моддий материалистик тушунча ва ғоялар, фақат моддий-дунёвий манфаатлар одамни ана шундай қилади.

Шу билан бирга одам жарқалдирғочга ўхшаб кетса ҳам бўлмайди: жарқалдирғочнинг қанотлари узун бўлиб, оёқчалари қисқа, ерга қўниб қолса, қайтиб осмонга учиши маҳол, у бемалол учиши учун фақат жарда яшаши керак...

Тафаккур инқирози маънавиятнинг барбод бўлишидан бошланса, маънавият таназзули руҳий ҳаётни рад этиб, атеистик — худосизлик ғояларини илгари суришдан бошланади.

Шукрким, ҳаётимизда тикланиш деган гап бор. Тикланиш деганда емирилган, барбод бўлган нарсаларнинг тикланиши тушунилади, менимча. Ўзбек ҳаётида тикланиши зурур бўлган энг муҳим нарса миллий тафаккурдир. Зеро, миллий тафаккур миллат руҳияти ва маънавиятининг маҳсулидир. Миллий тафаккур бир миллат илғорларининг фикрлари билан бирга, бутун жаҳон мутафаккирларининг ўша миллат маънавиятида из қолдирган асарларидан ҳам ташкил топадиган умумиятдир.

Ўтган азиз зотларнинг халқимизга қайтадан етказилаётган китоблари, шунингдек, ҳазрати Фаридиддин Атторнинг «Тазкиратул авлиё» ҳазрати Абдураҳмон Жамийнинг «Нафохатул унс», ҳазрати Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббат» каби асарлари руҳий ҳаёт, ахлоқий камолот йўлидаги — бир хил йўналишдаги асарлардир.

Биз, ўтган азизларнинг китобларидан баҳраманд бўлиб, руҳий ва дунёвий ҳаётни баробар тутсак, иншоолоҳ, бир қанотли қушга ҳам айланмаймиз, жар қалдирғочига ҳам ўхшаб қолмаймиз.

Фаридиддин Атторнинг «Валийлар тазкираси» китобидан ҳазрати Ҳаким Термизий, ҳазрати Абу Бакр Абу Варроқ Термизий, ҳазрати Ҳасан Басрий ҳақларидаги боблари матбуот орқали муҳтарам ўқувчиларга етган эди. Энди, Аллоҳ насиб қилиб, ҳазрати Увайс Қараний, ҳазрати Малик бин Динор, ҳазрати Бишри Хофий хусусларидаги боблардан баҳраманд бўлгайсиз.

Таржимон

Ҳазрати шайх УВАЙС Қараний Қаддасаллоҳу сирраҳул азиз

Икки жаҳон қуёши — пайғамбаримиз, салаватуллоҳу алайҳи ва саломуҳу, жанобимиз ҳазратлари, Увайс Қараний ҳазратларининг мадҳида: **«Ямандин менга Аллоҳ ошиғининг иси келур»,** деб марҳамат қилганлар.

Расули акрам жанобимиз марҳамат этганлар: «Қиёмат кунида етмиш минг фаришта (Увайс суратида) яратилгайдир, Увайс уларнинг орасида жаннатга киргай, ҳеч кимса уни танимас-билмас. Зеро, дунёда махфий ибодат қилгани ва ўзини халқдан яширгани учун қиёматда (охиратда) уни кимса билмагайдир».

Ҳақ таоло ҳазратлари марҳамат қилур: **«Менинг валийларим менинг қуббаларим остида яшириндур, уларни мендан бошқа зот билмас...»**

Бундоқ ривоят қилинур: «Ҳабиби зишон (Тангри суюклиси) жанобимиз ҳазратлари қиёмат кунида: «Ё Роббий! Увайсни истармен!» деб ниёз этганларида, вожиб таолодан: «Дунёда кўрмадинг, бунда ҳам ул яшириндур хитоби ила жилваи раббония бўлгайдир.

Увайс ҳурматига Робиъа ва Мудор қабилалари қўйларининг юнглари саноғича гуноҳкор уммат шафоат қилингай. (Бу икки қабила арабда энг кўп қўйи бор қавмдир.)

Саҳобаи гузин (танланган саҳобалар) Расулуллоҳ жанобимиздан Увайснинг қаерда эканлигини сўрадилар.

— Яман вилоятининг Қарн қишлоғида, — деб марҳамат этдилар.

— Ё Расулуллоҳ! Увайс зоти рисолатпаноҳларини (яъни сизни) кўрганми?

— Кўрган, валекин зоҳирда кўрмаган, — деб марҳамат қилдилар.

— Ул қандай ошиқдирки, сизни кўрмас? — дедилар.

— Икки сабаби бор: биринчи — ҳол ғалабасидан, иккинчи — шариат азаматидан; яъни кўзи ожиз (кўр) онаси бор, уйни ёлғиз қолдириб кела олмади. Шариат амрини тутди, оналик ҳақига риоят этди.

Увайс туя боқар эди, ҳақини олиб онасига ҳамда инфоқ этиши лозим бўлган кишиларга берар эди. Саҳобаларнинг:

— Биз уни кўрмагаймизми? — деган саволларига:

— Абу Бакр кўрмагай, аммо Умар ва Али кўргайлар, — деб марҳамат қилдилар. — **Аллоҳнинг иноят бирлан, Унинг севикли дўстлари барча гуноҳлардан сақланиб, Ҳақ таоло ҳазратларидан қўрқиб, яширин ибодат қилганлардир.**

Расули акрам жанобимиз охират диёрига ташриф буюрар эканлар, ҳазрати Умар ва ҳазрати Алига муборак мураққаъларини (кийимларини) бериб, Увайс ҳазратларига элтмоқни васият қилдилар ва ҳазрати Увайсни (кўринишини) таъриф этдилар: «Бадани юнгли, ўнг қўлининг панжасида бир тангачилик холи бор. Мендан салом айтингиз, мураққаъни кийиб, умматимни дуо қилсин...»

Жанобимизнинг дунёдан охиратга қилган саодатли ташрифларидан сўнг ҳазрати Умар билан ҳазрати Али Куфа шаҳрига келдилар. Ҳазрати Умар хутбаларида:

— Эй Нажит қавми! Яман вилоятининг Қарн қишлоғидан бирор киши борми? Бир кекса киши бор эмиш? — деган саволларига жавобан:

— Бир дали-девона, фақир туябоқар бор, халққа аралашмай, Армна дарасида туради. Вайроналар ичида юради. Дунёда ҳеч шодлигу ғамни билмас. Ҳамма кулса, у йиғлар; баъзан эса бутун халқ йиғласа, у кулар, — дейишди. Шунда дарҳол ҳазрати Умар:

— Ўшани кўрмоқчиман! — деди.

Ҳазрати Али билан бирга зиёратига бордилар. Унинг ўзини намозда, туяларини эса, Ҳақнинг амри билан, бир фариштa томонидан боқилаётган ҳолда кўрдилар. Намоздан фориғ бўлгач, ҳазрати Умар унинг ҳузурига бориб, икром ила салом берди. Увайс ҳазратнинг саломига алик олди. Умар-ул Форуқ[1] унинг исмини сўради. Ул;

— Абдуллоҳ, — деди. Ҳазрати Умар эса:

— Қуллуна Абдуллоҳ (ҳаммамиз ҳам Аллоҳ қулимиз), махсус исминг кимдир? — деган эди, ул:

— Увайс, — деди. Ҳазрати Умарнинг талаби билан ўнг қўлининг кафтидаги оппоқ нурни кўрсатди. Ҳазрати Умар:

— Ё Увайс! Пайғамбарлар сарвари — Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам сенга салом айтдилар, умматимни дуо ва шафоат қилсин, дедилар, — деб айтди. Увайс жавобан:

— Сен дуо қилмоққа ҳақлироқсан, — деб марҳамат этди. Ҳазрати Умар:

— Мен дуо қилгаймен, аммо ҳазрати Расул жанобимиз сизга васият қилдилар ва ҳам муборак мураққаъларини бериб юбордилар. «Олиб кийсин, умматимни дуо қилсин», деган васиятлари бор, — дейиши билан Увайс ҳазратлари мураққаъи шарифни олиб ўпди, юзига сурди.

— Сиз шул ерда туринг, — деб ёнларидан нари кетди. Мураққаъни ерга қўйиб, юзини тупроққа босди, ёлвориб йиғлай бошлади:

« — Илоҳо, бул мураққаъни севимли пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам жанобимиз, мен ожиз бандангни шафиъ тутиб, Умар-ул Форуқ билан Али-йўл Муртазодан[2] бериб юборибдирлар. Муҳаммаднинг барча умматини мағфират қилмагунингча мураққаъни киймайман!»

Шул замон муножотига (жавобан) хитоби иззат келди: **«Мана бунчасини сенга бағишладим, мураққаъни кийгил!»**

« — Ё Роббий! Ҳаммасини бағишламагунингча киймасман!» деди. Ушбу муножотни қилар ва хитоби иззатни эшитар эди.

Ҳазрати Умар билан ҳазрати Али Увайснинг қаерга кетганини билиш учун қидирмоққа чиқдилар. Ҳазрати Увайснинг ёнига бордилар, Увайс:

— Оҳ, нечун келдингиз? Роббимизга ёлвораётган эдим, умумати Муҳаммаднинг барчасини бағишламагунингча мурақ-қаъни киймайман, ё Роббий, деб муножот қилаётган эдим, сабр қилмадингиз, — деди.

Ҳазрати Увайс мураққаъни кийди. Лутфу карами субҳоний ила робиъа ва мудор қабилалари қўйларининг юнглари саноғича уммати Муҳаммад афв ва мағфират этилгайдир, иншоолоҳурроҳмана, — деди.

Ҳазрати Умар билан ҳазрати Али Увайс ҳазратларидан рисолатпаноҳ жанобимизни (пайғамбаримизни) нечун кўрмаганини сўрадилар. Увайс жавобан марҳамат этди:

— Мен сурат кўзи ила кўрмадим, ва лекин мувофақат айладим. Мувофақат айламоқ диндандур, — деди. (Мувофақат — бирор иш борасида розилигини олмоқ, мувофиқлик).

Ҳазрати Умар-ул Форуқ билан Али-йўл Муртазо Увайснинг дўстлиги ва муҳаббатини кўриб, ҳазрати Ҳабибуллоҳга (пайғамбаримизга) биз ишқ ва муҳаббат ила дўстлик қила олмадик, — деб йиғлашдилар. Зеро Уҳуд жангида кофирлар саллаллоҳу алайҳи васаллам жанобимизнинг тишларини синдиргани учун ҳазрати Увайс оғзидаги тишларининг ҳаммасини синдирган эди. (Ҳазрати Увайс ҳар гал бир тишини синдирар экан, жаноби пайғамбаримизнинг синган тишлари балки бу эмасдир, деб барча тишини бир-бир синдирган эди).

Ҳазрати Умар Увайсдан дуо талаб қилди.

— Иймонда майл бўлмас, ҳар дам дуо қилурман, — деди.

Ҳазрати Умар Увайсга бир миқдор ақча бермоқчи бўлди.

— Туя боқишдан олганим етарлидир, — деб рад этди ва ҳазрати Умарга муҳим ўгитлар айтди, мақомларига кўчиб, қиёмат яқин қолганидан ҳозирлик кўриб қўймоқларини васият қилди.

Қайтиб кетдилар.

Фақат Қарн қишлоғида Увайс маълум бўлиб қолди. Ҳурмат ва иззати ортганидан, ҳазрати Увайс у ердан чиқиб, Куфага кетди. Уни бирон кимса кўрмади. Ёлғиз Ҳарам бин Ҳаййан Увайснинг даражаю мартабасига ошиқ бўлиб, васфини эшитгани учун Фирот дарёси ирмоғида таҳорат олаётганида уни таниб қолди. Салом бериб, муборак қўлини ўпмоқчи бўлди, қўлини бермади.

— Ё Увайс, роҳматуллоҳ ва ғофара лак, қаерга кетурсан? — деб йиғлай бошлади. Тоат ва ибодатдан унинг ранги сарғайган эди. Увайс ҳам йиғлади ва дедики:

— Ҳаййакаллоҳ, ё Ҳарам бин Ҳаййан, ўзинг нечуксен бу дунё заҳматларидан?

Ҳарам деди:

— Ё Увайс, мени кўрган эмассан, исмимни, отамнинг исмини қаердан билдинг?

Увайс:

— Мўъминларнинг жони (руҳи) бир-бирини билур, — деди.

Ҳарам бин Ҳаййан:

— Бир ҳадис ривоят қилгил, — деди.

— Мен на муфтидирман ва на муҳаддисман, — деб жавоб берган эди, Ҳарам бир насиҳат талаб қилди.

— Бори бир ояти Қуръон ўқигил, тинглайин, — деди. Увайс «Аъувзу бисмила» чекди, йиғлади, «Дуҳон» («Тутун») сурасининг 37 — 41-оятларини охиригача ўқиди. (Мазмуни: «Ул кунда дўст дўстига бирор нарсада асқотмас ва уларга ёрдам ҳам берилмас»). Бир зум оҳ чекди.

— Эй Ҳаййан ўғли, сени бу ерга ким келтирди? — деди.

— Сенинг билан йўлдош бўлайин ва муҳаббатингдан эшитайин, деб келдим, — деди. Увайс:

— Аллоҳ билан иши бўлган зот бошқасининг муҳаббатида бўла олмас. Зинҳор Ҳақ бирлан алоқангни маҳкам тутгилки, энг афзал роҳат Унинг суҳбатидандир, — деди. Ҳаййан бир оз насиҳат истади.

— Уни кўз ўнгингдан айирма ва ҳаромга боқма, осий бўлурсен. Буларни аҳамиятсиз билиб бепарво юрсанг, жаноби Ҳақнинг ғазабига учрарсан, — деган эди, яна бир оз сўзламоғини тилади. Увайс марҳамат этди:

— Шу сўзлар сенга етмасми?! Одам отанг эди, Ҳавво онанг эди, Нуҳ, Иброҳим халилуллоҳ, Мусо, Исо ва Муҳаммад Мустафо саловатуллоҳу таоло алайҳим ажмаъин, бутун олам унинг дўстлигига яратилди. Булар ўлгани каби, мен ҳам, сен ҳам, ўлурмиз, — деди ва (бирдан):

— Ё Умар, Ё Умар! — деб ун чекди. Ҳаййан:

— Роҳимакаллоҳ, наҳотки, Умар ҳам ўлган бўлса?! — деди.

— Умар ҳам бугун дунёдан ўтди. Роббим менга билдирди. Ул менинг қариндошим, дўстим эди, — деди. Руҳига дуо ўқиб, саловат айтди. Сўнг дедики:

— Сенга ўқиганим Қуръони Карим ҳукмларини доимо илгари тут ва салоҳ аҳлининг йўлидан чиқма, йўқса, динсиз бўлурсан, Аллоҳнинг азобига гирифтор бўлурсан. — Шундай деб, сўнг дуо қилди. — Ё Ҳарам, энди на сен мени кўргайсен ва на мен сени кўргаймен, сен мени дуода унутма, мен сени дуода унутмайин, — деди-да, жўнаб кетди. Ҳаййан ортидан қараб қолди.

***

Ҳазрати Робиъ нақл қилур: «Ҳавас қилиб, Увайсни кўргали бордим. Ишроқ намозини ўқир эди. Намоздан фориғ бўлгач тасбиҳ ила машғул бўлди. Тамом бўлиши билан салом бераман, дедим. Ҳеч бир томонга қарамасдан пешин намозини бошлади. Шундай қилиб, шу уч кун кутдим, узлуксиз намоздан фориғ бўлмади. Ҳеч нарса емади-ичмади, ухламади. Тўртинчи кеча муножотини тингладим, Ҳақ таолога ёлворар эди:

« — Илоҳи, кўп ухлар кўздан ва кўп еяр қориндан ўзингдан паноҳ тилайман!»

Бу сўзларни эшитгач, менга шу ўгит етарлидир, дедим».

***

Увайс ҳазратлари умрида бирор кеча тўйиб ухламади. Кеч тушиши билан, «Бул кеча лайлатул-қиём», бошқа кеча «лайлатур-руқуъ» ва яна ўзга тун «лайлатус-сужуд» дер, яъни бу кеча шундай кеча дер экан, тонгга қадар саждадан бош кўтармас эди.

***

Сўрадилар:

— Намозда хушуъ[3] недир?

— Намоз вақтида қилич санчиб, бошқа томонингдан чиқарсалар ҳам зарра сезмаслигидир.

***

Марҳамат этдиларким, «Ҳар ким уч нарсани севса, шайтон уни тез йўлдан оздирар: яхши емоқ, яхши киймоқ, аёллар билан ўтирмоқ».

***

Уч кун оч юрган Увайс йўл устида бир олтин кўрди, биронтаси туширгандир, деб олмади. Аллоҳ томонидан йўлга янги кўкат туширилган чоғда ҳам қўйларнинг, ҳақи, деб олмади. Ва бир қўй пайдо бўлиб, оғзида кўкат келтирди, ўзининг ризқидир, деб олмади. Фақат қўй тилга кириб, Аллоҳ таоло ва тақаддас ҳазратларининг амри билан келтирганини сўзлаб, ғойиб бўлди.

***

Аллоҳу аълам (Аллоҳ билгувчидир). Вайсал Қараний ҳазратлари, ҳазрати Али ва ҳазрати Муовия ўртасидаги жангда Муртазо (ҳазрати Али) каромаллоҳу важҳа лашкарида эканлигида уни шаҳид қилдилар...

Изоҳ: 1. Умар-ул Форуқ — ҳазрати Умарнинг лақаби, фарқловчи, Ҳақ билан ноҳақни ажратувчи, адолатли маъносида.

2. Али-йўл Муртазо — ҳазрати Алининг лақаби, танланган, сайланган, маъносида.

3. Хушуъ — ўзини паст тутиб ёлвориш, ялиниб-ёлвориш.

Ҳазрати шайх МАЛИК БИН ДИНОР Қаддасаллоҳу сирраҳул азиз

Ул мутаваккили валоят[1], маҳрами асрор, солики тайёр, шайх Малик бин Динор, қаддасаллоҳу сирраҳул азиз, Ҳасан Басрийнинг севимли дўсти эди. Отаси қул, аммо ўзи ҳур — озод эди.

Малик бин Динор бир кемага минган эди, денгиз ўртасига етгач, кира ҳақи талаб этилди. Пули йўқлигини айтган эди, оёқ тираб туриб олдилар. Ва даҳшатли дўппосладилар. Зарбдан беҳуш бўлди. Ўзига келгач, кема ҳақини бермаган тақдирда сувга отажакларини таъкидлаб, огоҳлантирдилар. Малик балиқларга ишорат қилган эди, барчаси сувдан бошини чиқарди: оғизларида биттадан қизил олтин бор эди. Малик қўлини чўзиб, икки дона олтин олиб, кемачига берди. Бу кароматни кўрган кемачи унинг оёқларига йиқилди. Малик кемадан чиқар экан, сув устида юриб кетди. Шунинг учун бул муборак зотни Малики Динор деб атадилар.

Малики Динорнинг аввалги ҳоли кўп сафиҳ (нодонларча) кечган эди. Ҳазрати Муовия Шом тарафида бир масжид қурдирган эди, вақфи йўқ эди. Шунга тамаъ қилиб, мутавалли бўлишни орзу қилар эди. Масжиднинг бир четида бир йил риёкорлик билан намоз ўқиб, ибодат қилиб юрар экан, жамоат: бу риёкор ва мунофиқдир, дер эди. Чунки кечалари ишрат қилар, соз чалар эди.

Бир куни шериклари ухлагандан сўнг Малик ўтириб қўбиз чалаётган эди, қўбиздан бир садо келди: «Ё Малик! Нега ҳолингга надомат чекиб, тавба қилмайсан?!» Буни эшитиб, кўрқув босиб, сидқидилдан тавба қилди ва истиғфор айтди, масжидни берсалар эди, деган тавлиятдан[2] воз кечди. Аммо таъмирга муҳтож бўлган масжиднинг тавлиятини, иттифоқ бўлиб, Маликка бермоққа қарор қилдилар. Бир йил машаққат чеккан Малик ниёз айлади (илтижо қилди): «Ё Роббий! Хулуси қалб ила[3] зоти улуҳиятингга[4] юзимни бурдим. Энди мени ортимдан қидиргайлар!» деб эътиқодини том қилиб, тавлиятни ташлади. Масжиддан чиқди. Риёзат ва нафс ила мужоҳада қилиб каромат ва валоят мартабасига эришди.

Бир куни бир ўтпараст билан мубоҳасага киришдилар. «Ҳақ менинг томонимдадир», деб таъкидлаётган ўтпараст билан қўлларини оловга суқишди, иккисининг ҳам қўли куймади. Ҳар икки тараф ҳақли кўринди. Малик хижл бўлиб,

— Ё Роббий! Бу не ҳол?! — дея муножот қилди. Саждага йиқилмоқ учун хонасига келди.

« — Илоҳи, етмиш йилдирки, иймон ва таслимияти том бирлан қуллиғингни қилурмен. Даҳрий бир кофир билан баробар бўлдим-ку!» — йиғлади. Бир овоз эшитди: **«Ё Малик! У сенинг бирлан баробар бўла олмас. Фақат унинг қўли сенинг қўлинг билан бирга бўлгани боис олов таъсир этмади. Сен, икки жаҳон саврари — ҳабиби зишонинг (ҳазрати пайғамбарнинг) этагига ёпишган уммати бўлганинг учун ҳар қандай оловни сўндирурсан»,** дейилди.

***

Қирқ йил Басрада хурмо емаган Малик нафсининг истагидан безор бўлди. Кечқурун тушида ғўра хурмони ейиши билдирилди. Малик нафсига хитоб қилиб, **«Эй нафс! Ғўра хурмо есанг, оёқ бўлурсан; сабр қилсанг, бош бўлурсан»!** — деди.

***

Сўрадилар: «Зуҳд авлодирми ёки ризо яхшироқми?» Бу саволга жавобан: «Ризо яхшидир, рози бўлган киши ортиқ манзилат[5] истамас», деди.

***

«Бадбахтлик нишонаси беш нарсадир: бири — кўнгил қаттиқлиги; иккинчиси — кўз ёшланмаслиги; учинчиси — ҳаёсизлик; тўртинчиси — дунёни севмоқлик; бешинчиси — дунё учун жондан андиша айламоқликдир».

«Мўъмин кишининг кўнгли Ҳақдан қўрқувли бўлур ва беҳуда сўздан тилини тияр ва шул қўрқув муносабати билан шаҳват (шиддатли истаклар) оловини сўндирар, дунё севгисини ичидан чиқариб ташлар. Ҳақдан қўрққан кишидан ҳар кимса қўрқар. Қулнинг Аллоҳдан қўрқуви Аллоҳни билгани қадарлидир. (Яъни Аллоҳни қанча кўп билса, Ундан шунча қўрқар).

Охират маҳрумлиғига рози бўлган зот дунёлиғини (бойлигини) тўплайверсин.

Дунёда гўзал либосларга ва тотли емакларга нисбатан олий завқ (олий шон) бўла олмагайдир. Ҳақ таоло юмшоқ (содда) кўнгилли бўлганларни севар

Уч нарса кўнгилни ўлдирар: кўп емоқ, кўп ухламоқ, кўп демоқ.

Икки нарса ҳам аҳмоқликдир: қизиқ нарсани кўрмасдан кулиш, сўрамасдан хабар бериш.

***

Ўттиз йил кулмаган шайх (Малики Динор) фарзанди ўлганда кулди ва «Аллоҳим фарзандимни олиб, мендан рози бўлди», деди.

Ҳазрати шайх БИШРИ ХОФИ Қаддасаллоҳу сирраҳул азиз

Бул зоти шарифда азим бир риёзат мужоҳадаси[1] бор эди. Марв шаҳрида туғилиб, Бағдод вилоятида вафот этгандир.

Тавбаи насух[2] айланганига сабаб будир: ерда ётган қоғоз парчасидаги «Бисмиллаҳир-роҳман» ёзувини кўриб қолди-да, олиб, ўпиб, бошига қўйди. Мушки анбар исларини суриб, сақлади. Ўша кеча тушида: **«Ё Бишр! Сен менинг исмимни гўзал ислар билан улуғладинг. Улуғлигим ва иззатим ҳақи, мен ҳам сенинг номингни икки жаҳонда хуш қилгайдирман»,** деган сўзларни эшитиб, уйғонди. Йиғлади. Истиғфор айтиб, тавбаи насух қилди. Ҳақ таоло ишқидан шу қадар ҳайрон бўлдики, оёғига пойабзал киймас эди. Шу боисдан уни Хофи дер эдилар. (Хофи деб оёқяланг юрганга айтилур).

Ундан нечун пойабзал киймаслигини сўрадилар. «Ҳақ таоло: **«Ер менинг тўшагимдир»,** деб марҳамат этгани учун», деб жавоб берди.

Эслангиз, пайғамбари зишон бировнинг жанозаси билан кетар эканлар, оёқ учида юрар эдилар. Бу ҳолни саҳобаи киромга бундай деб марҳамат қилиб тушунтирдилар: **«Шу қадар кўп малоика бор эрдики, устларига оёқ босмайин, дедим...»**

Имоми Аҳмад бин Ҳанбалий Бишрни кўп яхши кўрар, олдига тез-тез келиб турар эди. Дер эдики, «Ахборони аниллоҳ». Унинг шогирдлари бир девонани бунчалик зиёрат қилишлари сабабини сўрадилар.

— **Мен илмни ундан кўп билурман, аммо у Аллоҳни мендан кўп билур!,** деб марҳамат этди.

Билоли Хаввос бир йўлчиликда ўзига йўлдош бўлиб қолган зотнинг Хизр эканлигига қаноат келтирди:

— Аллоҳ ризоси учун ҳувийятингизни[3] тўғри сўзласангиз, — дебдир у.

— Хизрмен, — деган жавобдан сўнг айтибди:

— Имоми Шофеъий ҳақида не дерсиз?

— Қутблардандир[4].

— Имоми Аҳмад бин Ҳанбал-чи?

— Сиддиқлардандир.

— Бишр ҳақида не дерсиз?

— У билан Аллоҳнинг орасига тушмасмен, — дебдилар Хизр алайҳиссалом.

***

(Бишри Хофи) қирқ йил орзу қилгани барийяни[5] нафсига бермади. Ариқдан сув ичмади, бекларнинг буйруғи билан қазилган, деб.

***

Жуда совуқ бир кунда совуққотган, яланғоч бир кишига эгнидаги абосини[6] ечиб берди. Ўзи совуққота бошлади. Фақирга: «Або олмоққа пулим йўқ эди, шунинг учун ўзимникини бердим», деди.

***

Сўрадилар:

— Бу мартабага қандоқ эришдинг?

— Умримда бирор муддат Ҳақдан бошқасига ҳолимни сўзламадим, — деди.



***

Бишр ҳазратлари **фақр**нинг уч қисм бўлишини айтади: биринчиси — ҳеч бир кимсадан нарса истамас, берсалар ҳам олмас, бу қавм руҳонийлардандир, Ҳақдан бошқасига муҳтож бўлмас, кўнгилларидан не кечса, жаноби Ҳақ ўзи эҳсон этур; иккинчиси — халқдан бирон нарса истамаслар, берсалар олурлар, булар кўнгил аҳлидирким, авосит[7] дерлар; учинчиси — сабр қилгувчилардир, нафсларига истаган нарсасини бермагайлар.

***

Ҳажни ният қилган сўфилар Бишр билан йўлдош бўлмоқни истадилар. Бишр ҳазратлари: «Уч шарт билан, деди, — биринчи — емак (озиқ-овқат) элтмайсизлар; иккинчи — ҳеч кимсадан бирор нарса истамайсизлар; учинчи — берсалар ҳам, олмайсизлар». Улар айтдиларки, «Ҳеч бир нарса-ку, элтмайлик, кимсадан ҳам истамайлик, аммо бирон нарса туҳфа этилса, рад қила олмасмиз-ку». Бишр: «Мутаваккил8 эмассиз, ҳожиларга таяниб борурсиз (Аллоҳга эмас), сизлар билан йўлдош бўла олмайман», деди.

***

Тўрт минг ақчаси бўлган бир зот Бишр ҳазратларига мурожаат қилиб, ҳажжи шарифни ният қилганини баён этди.

— Дарвишларга тасаддуқ қил, — деди. Мурожаат этган зот эса:

— Ҳажни тажриқ этурман, — деди.

— Бу пул ҳалол эмас, фойдасиз бўлур, деди Бишр.

***

Ҳазрати рисолатпаноҳ жанобимиз (пайғамбаримиз) бир кеча Бишрнинг тушига кириб, марҳамат қилдиларки:

« — Ё Бишр! Ҳақ таоло ҳазратлари ўз яқинлари орасида сени нечун юксак тутганини билурмисен?»

« — Билмасмен», деди Бишр. Расули акрам жанобимиз марҳамат этдилар:

« — Суннатларимга риоя қилдинг, қариндошларингга насиҳат бердинг, аҳли байтимни севдинг, ана шунинг учун», дедилар.

***

Бишрнинг сўзи: **«Ўлимдан қўрққаннинг кўнглида шак бордир, Мўъмин киши ўлимдан қўрқмагай. Чунки ўлим Ҳақ таолога етиштиргувчи (восита) — дирким, мўъмин ундан қочмаслиги лозимдир».**

***

Бишр ҳазратлари Бағдод шаҳрида бўлган пайтларида ҳайвонлар кўчада тезак ташламас эди. (Бишр ялангоёқ юргани учун). Бир кун бир кишининг моли кўчада таппи ташлади. Мол эгаси фарёд кўтариб, йиғлаб,

« — Бишр ўлди», — дер эди.

« — Қаердан билдинг?» — десалар,

« — Молим кўчада тезаклади», — деди. Таҳқиқ этиб (текшириб) билдиларки, ўша соатда Бишр дунёдан ўтган экан (Қаддасаллоҳу сирраҳу).

Бишр ҳазратлари таслими руҳ этар экан, фақир бир йўқсил келди. Ўзи жон ҳолатида бўлса ҳам, қўйлагини ечиб, йўқсилга берди. Або ичида жон берди.

Изоҳ. 1. Мужоҳада — саъй ва ғайрат, курашув, нафсни енгиш йўлида курашиш. 2. Тавбаи насух — қайта гуноҳ қилмаслик аҳди билан қилинган асл тавба. 3. Ҳувият — моҳийят, ҳақиқат, ўзлик, кимлиги. 4. Қутб — маънавий йўлбошчи, пешво, авлиё, валийиллох. 5.Барийя — холислик, поклик. 6. Або — дарвишлар ва қаландарлар киядиган калта ва қалин чакмон. 7. Авосит — ўрталар, ўртаҳоллар. 8. Мутаваккил — фақат ёлғиз Аллоҳга таваккул қилгувчи, суянгувчи.

Мирзо КЕНЖАБЕК таржимаси

Изоҳ. 1. Валийлик (авлиёлик) таваккалчиси. 2. Тавлият — эгалик (бу ўринда эгалик қилиш фикри). 3. Қалб поклиги, холислиги. 4. Зоти улуҳиятингга — илоҳлик зотингга. 5. Манзалат — даража, қадр, мартаба.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»
Муассис: Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси
Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ
Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган
Буюртма: Г — 0282
10000 нусхада босилди
Сотувда нархи эркин
Ҳажми 2 босма табоқ
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи муҳаррир — Баҳодир МУРОД АЛИ